



Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

# АҲАМИЯТСИЗ СЎЗЛАРДАН САҚЛАНИШ

*“Қиёмат кунда гуноҳи кўп бўладиган киши дунёда-  
лик вақтида аҳамиятсиз сўзни кўп сўзлаган кишидир”.*

Тили сабабли одам боласига келадиган хатарлар кўп бўлганидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мумкин қадар тилни тийиш ҳақида умматга насиҳат қиладилар ва ҳар хил олди-қочди сўзлар билан умрни исроф қилмасликни маслаҳат берадилар.

Тилни эркин қўйиш ёлғон ва хато, ғийбат ва чақимчилик, риё ва нифоқ, фаҳш ва ифлослик, хусумат ва ажралиб кетиш, ахлоқсизлик ва дилозорлик каби офатларга олиб келиши маълум. Шунинг учун: “Ким тилини тийибди, нажот топибди”, дейилмишдир.

Лекин тилни сақлайман деб бутунлай жим туриш лозим эмас, сўзларни эса ушбу тўрт қисмга ажратиш мумкин:

Биринчиси: **фақат зарарли.**

Иккинчиси: **фақат фойдали.**

Учинчиси: **зарар ҳам, фойда ҳам бор.**

Тўртинчиси: **униси ҳам, буниси ҳам йўқ.**

Биринчи ҳолатда мутлақо сукут зарур. Иккинчисиде сўзлаш лозим. Учинчисиде агар фойдали томони голиб бўлса, сўзлаш керак. Тўртинчисиде сукут лозим. Чунки фойда ҳам, зарар ҳам йўқ нарса билан шуғулланиш вақтни зое кетказишдан ўзга нарса эмас.

Тил ўзи кичкина бўлса ҳам, таъсири каттадир. Тил сабабли улуғ ҳодисалар пайдо бўлади ва одам боласининг бошига даҳшатли фалокатлар келади. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тилга хўжайин бўлишни ва ўйлаб сўзлашни буюрганлар

Баъзи олимлар: “Банда оғзини берки-тилган бир хазина қилмай туриб, ҳақиқий имонга эриша олмайди”, деб ривоят қилишган.

*Нафсни тузатишга бу кун кучингни сарфла,  
Охирда топмассан бунга имкон эҳтимол.*

*Хулоса.* Бу ҳадис ва бундан бошқа кўп ҳадислар охираат кунда одам болаларининг тиллари (гаплари) сабабидан масъул бўлишларини ва кўп машаққат кўришларини баён қилади. Ўз ишини ўзи текширмаса, шу ишни билатуриб ўз келажагига қайғурмаса, одам боласи кимга ўпка қилади, зулм қилмаётганини қандай далил билан исботлайди.

**“Аллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир!”** (Ҳашр, 10).

*«Жавомеъул калим», «Мовароуннаҳр», 2004.*



# РИЁ САВОБНИ ЙЎҚ ҚИЛАДИ

Нафл ибодат ва яхшиликларни, савоб ишлар ва инфоқ-эҳсонларни бошқаларга ошкор этиб, бунинг эвазига эҳтиром, мақтов, молдунё ёки мартаба кутиш риёдир.

Куръони карим оятларида, ҳадиси шарифларда риёдан қайтарилди:

**«Намозларини... риё билан адо этувчиларга ҳалокат бўлсин» (Моун, 4).**

Ибн Лубайддан (розийаллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Сизлардаги энг хавфсирайдиган нарсам махфий ширкдир”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули, махфий ширк нима?” деб сўрашди. У зот: “Риёдир, — дедилар. — Қиёмат куни одамлар ўз амаллари билан келишганида Аллоҳ таоло: “Дунёда риё қилганларингизнинг олдида боринглар. Назар солинглар-чи, уларнинг олдида мукофот бормикан?” дейди».

Риё амалнинг савобини йўқ қилади. Аллоҳ таоло зарра миқдорича риё аралашган амални қабул қилмайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) риёни “кичик ширк” деганлар.

Риё амал-ибодатлардан ташқари сўзлаш, ўзини тутиш ва бошқа ҳолатларда ҳам кузатилади. Баъзи одамлар чиройларини, қаддиқоматларини мол-дунёсини кўз-кўзлаб, риё қилишади. Ёдлаб олинган гаплар билан сўзамоллик қилиш, одамларга кеккайиб, кибр билан, назар-писанд қилмай муносабатда бўлиш ҳам риё саналади.

Ибодатлари, масалан, намози, садақаси, ҳажи билан риё этган одам гуноҳкор бўлади. Чунки у риё сабабли ибодатда ягона Аллоҳдан бошқани ҳам қасд қилади.

Риё ихлоснинг сусайишига олиб келади. Қалб қораймаслиги, савоблар зое бўлмаслиги учун амал ва ибодатларни чин ихлос билан адо этишимиз, энг кичик риёдан ҳам сақланишимиз керак.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Нуриддин ҲОШИМОВ

Анвар ТУРСУН

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи,

Зебунисо ҲУСАЙН қизи

терди.

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;

Тел: 240-45-62, тел.факс: 244-36-53.

Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)

Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2008 йил 8 сентябрда рухсат берилди.  
Босмахонага 2008 йил 12 сентябрда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 24800 нусха. 176-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.  
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Ҳадис шарҳи</b>	
Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН	
Аҳамиятсиз сўزلардан сақланиш.....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Риё савобни йўқ қилади.....	2
<b>Имомларимиз</b>	
Меҳмон ЖАББОРОВ	
Исломда бўлиш саодат калити.....	6
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Намунали имомлар. Кенгашиб олинди. ....	6
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Жаъфар АБДУЛМЎМИН	
Истақ ва нафс.....	9
<b>Зиёрат</b>	
Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)	
намоз ўқиган жойлар.....	12
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Хаванинг илк рамазони.....	13
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
Муҳтарама УЛУҒОВА	
Оддий эътибор.....	14
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Баҳрайн давлати.....	16
<b>Муносабат</b>	
Миссионерлик найранглари.....	17
<b>Маърифий суҳбатлар</b>	
Тарикат тўғрисида.....	18
<b>Митти тадқиқот</b>	
Комилжон РАҲИМОВ	
Бухоролик икки олим.....	23
<b>Шеърят</b>	
Ўзан ОРИФ	
Шукр қил.....	24
Шавкат УСМОН ВАЛИЕВ	
Нечун севмайин.....	24
Эрназар ТОПИЛ	
Охират экинзори.....	25
Абдулносир БОБОМИРЗАЕВ	
Ҳиммат бергин.....	25
Эроҳ МИРЗО	
Она меҳри.....	25
<b>Тошкентнинг 2200 йиллиги</b>	
Ҳабибуллоҳ ЗАЙНИДДИН	
Мавлоно Ҳофиз Тошкандий.....	26
<b>Ёшлар йили</b>	
Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи	
Мустаҳкам иморат.....	29
<b>Маълумотхона</b>	
Аҳаджон ҚЎШАҚОВ	
Ислом тараққиёт банки.....	30
<b>Ҳайитингиз муборак!</b>	
Муҳаммад ВАФО	
Хурсандчилик куни ғанимат.....	32

Муқованинг 1-, 3-, 4-саҳифаларидаги суратларни Дурбек АБДУЛАЗИЗ ўғли, Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли олишган.

## Тафсири

## ЮСУФ СУРАСИ

4

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги йўқ. Тавҳид шу. Бизларни одамларга пайғамбар қилиб юбориши, бизлар одамларга тўғри йўлни кўрсатишимиз, заллат йўлидан уларни огоҳлантиришимиз биз пайғамбарларга ва одамларга илоҳий марҳаматдир. Лекин кўп одамлар Аллоҳ таолонинг уларга пайғамбарлар юборишидаги неъматини билмайди.

## Мужда

## ЖАННАТ ВАСФИ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:  
 “Бу (биз сизга хабар берган қиссалар) бир эслатмадир. Шак-шубҳасиз, Аллоҳдан кўрқадиган зотлар учун гўзал оқибат — Улар учун барча дарвозалари ланг очик мангу жаннатлар бордир” (Сод, 49-50).

10

## Масала

## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



15

«Макруҳ» сўзи луғатда «хунук саналган», «номаъкул иш» маъноларини англатади, шаръий ҳукмларда қўлланиладиган истилоҳдир. Таҳорат, намоз, рўза каби ибодатларда макруҳ иш қилинса, ибодат бузилмайди, лекин у нуқсонли ва савоби камайган бўлиб қолади. Масалан, намозхоннинг рукуда бошини баланд тутуши, қиротни шошилиб қилиши макруҳдир.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Кёлнда жомеъ қурилади

Кёлн шаҳар кенгашида (Олмония) кўпчилик овоз билан улкан масжид қурилиши маъқулланди. Лойиҳага кўра, масжид гумбазининг баландлиги 37 метрга, иккита минорасиники эса 55 метрга боради. Яъни, масжид баландлигига кўра, шаҳарда иккинчи ўриндаги иморат бўлади.

22

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَدَخَلَ مَعَهُ السِّجْنَ فَتَيَانٍ قَالَ أَحَدُهُمَا إِنِّي أَرْنِي آخِرَ إِنِّي أَرْنِي أَحْمِلُ  
فَوْقَ رَأْسِي خُبْرًا تَأْكُلُ الطَّيْرُ مِنْهُ نَبِينًا بِتَأْوِيلِهِ إِنَّا نُرَاكُ مِنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٦﴾ قَالَ لَا يَأْتِيكُمَا  
طَعَامٌ تُرْزَقَانِهِ إِلَّا نَبَأْتُكُمَا بِتَأْوِيلِهِ قَبْلَ أَنْ يَأْتِيَكُمَا ذَلِكَمَا مِمَّا عَلَّمَنِي رَبِّي إِنِّي تَرَكْتُ مِلَّةَ  
قَوْمٍ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ كَافِرُونَ ﴿٣٧﴾ وَاتَّبَعْتُ مِلَّةَ آبَائِي إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ  
وَيَعْقُوبَ مَا كَانَ لَنَا أَنْ نُشْرِكَ بِاللَّهِ مِنْ شَيْءٍ ذَلِكَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى النَّاسِ  
وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٣٨﴾ يَصْحَبِي السِّجْنَ رَبَّاتٌ مُتَّفِقُونَ خَيْرٌ أَمِ اللَّهُ الْوَالِي  
جِدَّ الْقَهَّارِ ﴿٣٩﴾ مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا أَسْمَاءً سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا  
مِنْ سُلْطَنٍ إِنْ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ  
وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٠﴾

## ЮСУФ СУРАСИ\*

36. У билан бирга икки йигит зиндонга тушди. Улардан бири деди: «Мен тушимда узум сувини чиқараётганимни кўрдим». Бошқаси деди: «Мен бошимда нон кўтариб турганимни, ундан қушлар еяётганини кўрдим. Бизга шунинг таъбирини айтиб беринг. Биз сизни яхшилик қилувчилардан деб биламиз».

37. У деди: «Сизларга ризқ қилиб юбориладиган таом олдингизга етиб келмасидан аввал унинг нималигини айтиб бераман. Бу менга Тангрим билдирган нарсалардандир. Чунки мен Аллоҳга имон келтирмайдиган қавмнинг динини рад этганман. Улар охиратни инкор этишади».

38. Оталарим Иброҳим, Исҳоқ, Яқубнинг динига бўйсунганман. Бирор нарсани Аллоҳга шерик қилишимиз бизга мумкин эмас. Бу бизга ва барча одамларга Аллоҳнинг марҳаматидандир. Лекин кўп одамлар шукр қилмайди.

39. Зиндонда ўтирганлар! Кўп сонли илоҳлар яхшими ёки танҳо ғолиб Аллоҳ яхшими?

40. Аллоҳдан бошқа ибодат қилаётганларингиз фақат сизлар ва оталарингиз қўйган номлардир. Аллоҳ унга ҳужжат туширмаган. Ҳукм фақат Аллоҳдадир. У ёлғиз Ўзига ибодат қилишингизни буюрган! Тўғри дин шудир! Лекин кўп одамлар билмайди».

## Тафсири ва баёни

Юсуф (алайҳиссалом) билан бирга икки хизматкор йигит ҳам зиндонга ташланган эди. Улардан бири подшоҳнинг шарбатчиси, икинчиси новвой эди. Улар подшоҳни заҳар-

лашда айбланишган эди. Бу воқеа Юсуфнинг (алайҳиссалом) қамоққа ташланиши билан ўзидан-ўзи тўғри келиб қолмаган, балки Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан бўлган эди.

Юсуф (алайҳиссалом) зиндонда тўғрисиўзликлари ва туш таъбирини айтишлари билан машҳур бўлдилар.

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.



Шарбатчи билан новвой туш кўришди.

Шарбатчи: «Мен тушимда узум сувини чикараётганимни кўрдим», деди.

Новвой: «Мен тушимда бошимда нон кўтариб турганимни, ундан қушлар еяётганини кўрдим», деди. Юсуфга (алайҳиссалом): «Кўрган тушимиз таъбирини айтиб беринг. Тушда кўрганларимиз ҳақиқатда рўёбга чиқадими ёки у таъбирсиз, алғов-далғов тушларми? Сизни туш таъбирини тўғри қилувчи, одамларга фақат яхшилик ва эзгулик истовчи кишилардан деб биламиз», дейишди. Юсуф (алайҳиссалом) тушларни доим тўғри таъбир қилар эдилар. Ўзларига, билимларига, холисликларига шарбатчи билан новвойнинг ишончи борлигини билдилар ва уларни ҳам, зиндондаги бошқа кишиларни ҳам Аллоҳ таолога имон келтиришга, бутларини тарк этишга чақирдилар. Юсуфнинг (алайҳиссалом) зиндонга тушишлари ҳикмати шу эди.

Юсуф (алайҳиссалом) уларни ҳаққа чақиритдан олдин тўғрисиўзликларига далил бўлган мўъжизани айтдилар: «Сизларга ризқ қилиб юбориладиган таом олдингизга етиб келмасидан аввал унинг нималигини айтиб бераман». Юсуф (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг илҳоми ва ваҳийи билан шундай деган эдилар.

Юсуф (алайҳиссалом) дедилар: «Аллоҳ таолони ва охират кунини инкор этувчи, турли илоҳларга ибодат қилувчи канъонлик ва мисрликлар динини мен ваҳий сабабли рад қилганман. Куфр ва ширк йўлини кесганман. Аллоҳ таолога ишонмайдиган, Унинг бирлигига, ер ва осмонларни У яратганига иқрор бўлмайдиган инкорчиларнинг динини рад қилганман. Пайғамбар ва расул оталарим Иброҳим, Исҳок, Яқубнинг (алайҳимуссалом) динига бўйсунганман».

Юсуфнинг (алайҳиссалом) «оталарим» дейишлари бобо ҳам ота ўрнида эканини кўрсатади. Юсуф (алайҳиссалом) ғайбдан хабар беришлари боис унга ваҳий келишини, пайғамбар эканларини айтдилар. Сўнг, уларнинг эшитишга рағбати ошиши ва гапларини қабул қилиши учун пайғамбарлар хонадонидан эканларини ҳам айтдилар.

Тўғри йўлдан юрган, пайғамбарларнинг кўрсатмасига бўйсунганларни Аллоҳ таоло ҳақ йўлга бошлайди, уларга билмаган нарсаларини билдиради. Яхшиликда уларни одамларга пешво қилади.

Юсуф (алайҳиссалом) дедилар: «Бирор нарсани кўрмайдиган, эшитмайдиган бутлар у ёқда турсин, ҳатто фариштани, жинни, инсонни Аллоҳ таолога шерик қилишимиз биз пайғамбарларга мумкин эмас. Илоҳ танҳо Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги йўқ. Тавҳид шу. У Ўзининг борлигини, хожалик ва илоҳликда ягоналигини бизларга билдирди. Бу Аллоҳ таолонинг бизларга марҳаматидандир. Бизларни одамларга пайғамбар қилиб юбориши, бизлар одамларга тўғри йўлни кўрсатишимиз, залолат йўлидан уларни огоҳлантиришимиз биз пайғамбарларга ва одамларга илоҳий марҳаматдир. Лекин кўп одамлар Аллоҳ таолонинг марҳаматига шукр қилмайди. Аллоҳ таолонинг уларга пайғамбарлар юборишидаги неъматини билмайди».

Юсуф (алайҳиссалом) дедилар: «Зиндонда ўтирганлар! Низога, тўқнашувга, ер юзида бузғунчиликка чорловчи кўп «илоҳлар» яхшими ёки ҳукмига қарши чиқилмайдиган, бошқага муҳтож бўлмаган, ҳаммани бўйсундирган танҳо ғолиб Аллоҳ таоло яхшими? Сизлар ибодат қилаётган, илоҳ деб номлаган нарсаларингиз ўзингиз тўқиб чиқарган номлардир холос. Уларнинг илоҳ деб аталишига Аллоҳ таоло ҳужжат туширмаган.

Ҳукм Аллоҳ таолодадир. Аллоҳ таоло ҳамма бандаларига ёлғиз Ўзига ибодат қилишни буюрган. Аллоҳ таоло буюрган тўғри дин шудир. Лекин кўп одамлар буни билмайди».

Мазкур оятлар қуйидагиларга далолат қилади:

1. Ғайбни ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло билдирсагина, фақат пайғамбарлар (алайҳимуссалом) ғайбни билишлари мумкин.

2. Динимиз ширкнинг ҳар қандай турини – бутларга, оловга, юлдузларга, жинларга, дов-дарахтларга сиғинишни қатъий рад этади. Зеро, илоҳ танҳо Аллоҳ таолодир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги йўқ.

3. Ҳукм фақат Аллоҳ таолодадир. Барча нарсани яратган Удир. Шериги йўқдир.

**Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН,**  
**Анвар АҲМАД**  
*тайёрлашди.*

(Давоми келгуси сонда)



*Меҳмон Жабборов Усмон ўғли 1971 йили Жиззах вилояти Ғаллаорол туманининг Лалмикор кўрғонида туғилган.*

*Самарқанд шаҳридаги педогогика билим юртида, Бухородаги Мир Араб мадрасасида, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтида таҳсил олган. 1998—2003 йилларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлимида ишлади. 2003 йилдан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Жиззах вилояти бўйича вакилидир.*

# ИСЛОМДА БЎЛИШ

*Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Жиззах вилояти*

— *Домла, суҳбатимиз бошида вакиллик кейинги йилларда амалга оширган ишлар ҳақида тўхталсангиз.*

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Вилоятимизда 171 та жомеъ масжиди ишлаб турибди. Аҳолимизнинг кўпи қишлоқларда яшайди. Доимо меҳнат билан банд элнинг дарду қувончига шерик бўлиш, имкон қадар ёрдам бериш асосий ишимиз. Вакиллитимиз ҳамшиша масжидларда намозхонлар учун шароитни яхшилаш, халқимиз маърифатини ошириш ҳаракатида бўлди.

Бир пайтлар вилоятда, айниқса, узоқ қишлоқларда озгина саводли мулла тополмасдан, ҳатто жаноза намозларини ўқийдиган ҳам қийналишган. Бугун жомеъларимизнинг ўттиз фоизда олий маълумотли, қирқ фоизда ўрта-махсус Ислам билим юр்தларини битирганлар имом-хатиблик қилишади.

— *Назаримизда, бугун жомеълар ободлигига эътибор янги бир паллага киргандай. Масалан, пойтахт масжидларида*

*намозхонларга ҳартомонлама яхши шароит, қулайлик туғдиришга алоҳида диққат қилинаётгани кузатиляпти. Масжидлари асосан туман ва қишлоқларда жойлашган Жиззах вилоятида бу борада аҳвол қандай?*

— Тошкент масжидларига ҳавасимиз келади ва ибрат оламиз. Очиғи, бундан илгари вилоят жомеларидаги шароитдан кўнгил тўлмасди. Шу боис ишни аввал жамоат кўп келадиган туман марказий масжидларини таъмирлашдан бошладик. Жиззах, Бахмал, Зомин, Зарбдор туманларидаги қирқдан ортиқ масжид таъмирланди, таҳоратхоналари қайта қурилди. Жумладан, Зоминдаги “Холид ибн Валид”, Зарбдордаги “Оқ масжид” жомелари кўркам бир кўриниш олди. Зарбдорга борсам, “Оқ масжид”нинг кўркам, салобатли гумбазига узоқдан кўзим тушиб, руҳиятим кўтарилади. Шарт-шароитлари яхши масжидлар қишлоқларимизда ҳам кўпаймоқда. Ибрат сифатида Зомин тумани Ём қишлоғидаги масжидни айтиш мумкин.

Бу қишлоқ вилоят марказидан узоқда, аммо шароитлари шаҳарникидан қолишмайди. Имомхатиби Ғайрат Ўзбеков ташаббускор, тадбиркор, меҳнаткаш одам. Қачон борсам, ўзи қора терга ботиб масжиднинг бир жойини тузатаётган, қишлоқ аҳлига ўрнатилган кўрсатаётганига гувоҳ бўламан.

— *Шубҳасиз, масжид ободлигининг фақат биносининг кўркамлиги ё шароитларининг яхшилиги билангина ўлчанмаса керак.*

— Албатта, масжиднинг ташқи ва ички кўринишлари бирдай гўзал бўлса, у ерда хузур-ҳаловат билан ибодат қилинса, қавми илмли, аҳил, ҳамжиҳат бўлса, шундай масжидларни ҳақиқий обод дейиш мумкин. Обод масжид гўё обод қалбга ўхшайди. Албатта, унинг имомхатиби илғор фикрли, дунёқараши кенг, илми қамровли, маънавияти юксак бўлиши лозим. Айниқса, ҳар хил маънавий хуружлар бўлиб турган ҳозирги пайтда қавмнинг бирлигини сақлаш вазифаси имомхатибдан жуда катта масъулият

талаб этади. Имом-хатиб илмаърифатда, интизомда, кийинишда, муомаллада, одамийликда ўрнатилган бўлса, одамлар унинг атрофида жипслашади. Бир нарсани жамоатга етказишдан олдин шу нарсага ўзи амал қилса, гапи таъсирли бўлади. Имом-хатиб ниҳоятда юмшоқсўз, ҳалим бўлиши, қавми фарзандларидек кўриши керак. Бир оиланинг фарзандлари ҳам турли феъл-атворга эга бўлганидек, намозхонлар ҳам турфа тушунча ва вазиятдаги кишилардир.

чади?” Тавба дейсан. Бу ношукрлик эмасми?

Тўй-маъракаларимизда исроф ҳам бор. Оила қурилганини қайд этувчи идорага борадиган келин-куёв ортидан 10-15 улов кўчани тўлдириб ўтади. Ҳатто баъзилар Тошкентдан буюртма қилиб «Лимузин» олиб келишади. Нега бу одамлар савоб, яхши ишларда эмас, риё, сохта шуҳрат ва обрў учун мусобақалашади? Ҳолбуки, шу маблағни ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда бўладиган, савобли

сидан бутун оила ботил йўлга кирган эди. Гўё бу йўлга киришларига муҳтожлик мажбур қилган эмиш. Масаланинг илдизига жиддийроқ қаралганда эса, муҳтожлик эмас, жоҳиллик, текинхўрлик бунга сабаб бўлгани ойдинлашади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни, бундай кўнгилсизликларга миссионерларнинг қармоғига илинаётганларнинг атрофидаги кишилар, ёр-дўстлари, яъни, биз ҳам айбдоримиз. Баъзилар энг яқин ки-

# САОДАТ КАЛИТИ

*бўйича вакили Меҳмон Жабборов билан суҳбат*

Имом уларнинг ҳар бири қалбига йўл топа билиши жуда муҳим. Агар имом-хатиб манман, кўпол бўлса-чи?

— *Демак, маънавиятимизни юксалтиришимиз керак экан. Маънавиятсизлик инсонни жуда ҳам ожиз ҳолга солиб қўйишини ҳаёт ҳар қадамда кўрсатяпти.*

— Бу борада Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобидан кўп нарса ўрганиш мумкин. Имонсиз, маънавиятсиз одамни тугиб турадиган таянч нуқта бўлмайди. Унинг учун беҳуда, зарарли ишлар биринчи ўринга чиқиб кетади. Ношукрликнинг илдизи маънавиятсизликда.

Бир йили рамазон ойида бир киши ифторликка таклиф қилди. Очиғи, ҳовлисининг ҳашаматини кўриб, ҳайрон қолдим. Қаср! Бирон жойига оддий гишт ишлатилмаган, ҳаммаси қора мрамардан. Шу одам қайтишимизда нолиб қолса бўладими? “Домла, — дейди у, — яшаш жуда қийин бўлиб кетди, эртага ҳаётимиз қандай ке-

ишларга сарфласа қандай яхши.

— *Афсус, вилоятда миссионерлик ҳодисаси қисман кузатилади. Миссионерлар юртимизга ташвишдан бошқа нарса келтирмакликлари маълум. Уларнинг пайини кесми, адашганларни тўғри йўлга солиш борасида вилоятда қандай ишлар қилиняпти?*

— Ўз динини қўйиб, бошқа динга ўтиб кетиш ҳам асли маънавиятсизлик оқибати. Ота-боболаримиз энг оғир замонларда ҳам ҳақ динимиздан воз кечишмаган эди. Энди айримлар енгил ҳаётга, текинхўрликка ўрганди. Биров таъминлаб тураман, деса, дину имонидан ҳам воз кечиб юборяпти. Ҳолбуки, Ислолда бўлишнинг ўзи улуг саодат. Меҳнат қилса, қаноат қилса, Аллоҳ ризқини бермаган банда йўқ. Миссионерлар эса айнан бирон нарсага муҳтож ёки қандайдир бир муаммоси бўлган, ким нима деса ишониб кетаверадиган кишиларни излаб юришади, уларга гўё беғараз ёрдам бераётгандек кўриниб, тўрларига илинтиришяпти. Бахмал тумани Шодмон маҳалла-

шиларининг ҳаётидан ҳам хабарсиз. Бунга Жиззах шаҳрининг Қалия маҳалласи Тошкент кўчаси 143-уйда яшаган Комила Думаеванинг тақдири мисол бўла олади. У тама илинжида аллақачон динини ўзгартирган эди, лекин “фароғати” узоқ давом этмади. Автоҳалокатга учраб, қазо қилгач, қариндошлари жанозасини ўқинглар деб вакилликка мурожаат қилишди. Бу гап маҳалладагиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шундагина мусулмон сифатида жаноза ўқилиб, кўмилиш ҳам шараф эканини марҳумнинг яқинлари англаб етишди.

Мабодо алданибми ёки муҳтожлик боисми шу йўлга ки-



риб қолганларга динимиз ҳақ дин экани тушунтирилса, мусулмонга хос ёрдам қўли чўзилса, кўп ҳолларда хатосини тушуниши, тавба қилиб, ҳақ йўлга қайтиши мумкин.

Вакиллик қошида миссионерлик ҳаракатларига қарши махсус гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари туман, шаҳар ҳокимияти маънавият ишлари масбуллари, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда жойларда, чегара ҳудудларида бўлишади, айни долзарб мавзуларда маърузалар қилишади. Ўзимиз ишлаб чиққан режа асосида ҳар ҳафта телекўрсатувлар, матбуотда мунтазам чиқишлар қилияпмиз.

Айниқса, ёшларга миссионерларнинг асл мақсадини, ғаразли ниятларини тушунтириб бериш асосий вазифамиздир. Чунки ёшлар ниҳолга ўхшайди. Ҳали ҳаёт қийинчиликларида тобланиб улгурмаган ёшлар билмасдан ботил йўлларга кириб қолишлари мумкин. Шу боис мактаб, литцей, коллеж ва институтларда мавзуга доир суҳбат ва учрашувларни кўпайтирдик. Яқинда Жиззах шаҳар телевидениясида бўлган «Миссионерлик фаолиятининг салбий оқибатлари» давра суҳбатига православ черкови руҳонийи ҳам таклиф этилди. Ушбу чиқиш кўпларда кучли таассурот қолдирди. Негаки, черков вакили ҳам миссионерларнинг бузғунчиликлари, тама илинжида уларнинг қармоғига илинганларнинг кирдикорлари мусулмонлар билан насронийлар орасини бузаётгани, бир миллат вакиллари орасига ҳам низо уруғини сочаётганини афсус билан гапирди.

Албатта, динимизнинг асл моҳияти яхши тушунтирилган жойларда кишилар хатоларини англаб ҳақ йўлга қайтишди.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**  
суҳбатлашди

## НАМУНАЛИ ИМОМЛАР

Шу йил 13 август куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида “Энг намунали имом” кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловда иштирок этган имом-хатиблар билим-маҳоратлари ва қобилиятларини намойиш этишди.

Имом-хатиб бугун юртимиз ва дунёда кечаётган сиёсий, маънавий жараёнлардан хабардор бўлиши керак. Динимизнинг ҳар қандай ҳукмларини оммага чиройли тушунтира олиши зарур. Шунда унга қавм эргашади. Сўзининг таъсири бўлади.

Натижаларга кўра, Тошкентдаги “Бўрижар” жомеъ масжиди имом-хатиби Жалолоддин Ҳамроқулов биринчи, Наманган шаҳридаги “Имом Бухорий” жомеъи имом-хатиби Обиджон Икромов иккинчи, Қўқон шаҳридаги “Саодат” жомеъ масжиди имом-хатиби Иброҳим Қодиров учинчи ўринга муносиб топилди.

## КЕНГАШИБ ОЛИНДИ

Шу йилнинг 20 август куни Имом Бухорий номидаги Ислом институтида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги мазкур институт ва Ислом ўрта махсус билим юртлари мудирлари, мударрислари иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Унда ўтган ўқув йили сарҳисоби, талабалikka қабул натижала-



ри, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳақида кенгашиб олинди. Янги ўқув йилидан мадрасаларнинг кўпчилигида олий маълумотли мударрислар дарс беришга эришилган. Хоразмдаги Фахриддин Розий ва Нукусдаги Муҳаммад Беруний номидаги Ислом билим юртлари бинолари обдан таъмирлангани таъкидланди.

Галдаги ишлар сифатида ўқув масканларида таълим-тарбия сифатини ошириш, техник-ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, ёшларнинг илмий-ижодий салоҳиятини ўстириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

ЎМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Дин ишлари бўйича қўмита раиси вази фасини бажарувчи Ортикбек Юсупов, таълим бўлими мудирини Жалолоддин Нуриддин, Тошкент Ислом институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Абдурахмон Ғафуров, «Кўкалдош» мадрасаси мудирини Ҳомидбек Ишматбеков фойдали фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришди.

Мухбиримиз



# ИСТАК ВА НАФС

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, қиммат отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар дунё ҳаётининг (ўткинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурини эса, қайтадиган энг гўзал жой — жаннат бордир» (Оли Имрон, 14).

Мол-дунё бир восита холос, нимага восита бўлса, шунинг ҳукмини олади. Агар у саодатга, савобга восита бўлса, қийматлидир. Агар у гуноҳларга етаклаб борса, энг ҳақир, паст нарсадир.


Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бундай ҳадислари бор: “Дунёга берилмаслик қалб ва вужудга хотиржамлик беради, дунёга берилиш ғам ва маҳзунликни орттиради”.

Молга ҳирс қўйиш, уни тўплашга муккадан кетиш, жойига сарфлаш ўрнига, бахиллик қилиш Ислому динида қаттиқ қораланади.

*Лош демиш Аллоҳ, назар сол номига,  
Сен эсанг жонингни тутдинг домига,*

дейди шоир. Бойлик обрў-мартаба ёки фахр-кибрланиш асоси эмас. Абу Лайс Самарқандий: «Фазилат аҳлини ҳаддидан оширмай ҳурмат қилиш мустаҳабдир», деганлар.

Ўрнига сарфланмайдиган мол-дунё инсонларни охират тайёргарлигидан чалғитиб,



шайтон васвасаларига дучор қилади. Оға-инилар ўртасидаги муҳаббатни кўтаради, ҳатто уларни душманларга айлантиради.

Туғилганимизда дунё яланғоч танамизни сув билан ювиб, бир парча матога ўраб қабул қилади. Дунё билан хайрлашаётганимизда ҳам яланғоч танамизни сувда ювиб, бир парча матога ўраб кузатади.

Аллоҳ берган мол-дунёни жойига сарфлаш, инфоқ-эҳсон ва садақани кўпайтириш, молга бахил бўлмаслик мўмин-мусулмоннинг хислатидир. Ривоят қилинишича, Пайғамбар (алайҳиссалом): «Энг олдин ўзингга нафақа қил, агар молинг ортиб қолса, оилангнинг, яна ортиб қолса, бошқа яқинларингнинг ҳожатларига сарфла», деб марҳамат қилганлар. «Аллоҳ сенга озми-кўпми бойлик насиб этса, бойликни шу равишда сарфлагин» — мол-дунёни сарфлашда динимиз кўрсатган йўл шудир.

Мол-мулк, бойлик қалбдан ўрин олмас, кишига таянч бўлади. Агар қалбни забт этса, кишига аянч бўлади. Дунёга қаттиқ муҳаббат қўйиш ўғрилиқ, зулм, ҳақсизлик, адолатсизлик ва жиноятга сабаб бўлади.

Дунё уловга ўхшайди. Узокроқ туриб жилосига маҳлиё бўлиш ё тафтидан баҳраманд бўлиш мумкин, аммо ичига батамом кирмоқчи бўлсангиз, ҳалокатингизни кутавринг.

Динимиз бойликни ва бойларни қораламайди. Зеро, ҳалол бойлик охиратни топиш, катта савоблар, ажр-мукофотларга эришиш воситасидир. Саховат, ҳиммат, инфоқ-эҳсон, силаи раҳм, олижаноблик каби фазилатларга эришув йўлидир.

Аллоҳ таоло инсонни нафсининг эҳтиёллари билан бирга қўшиб яратган. Шунинг учун, мен мол-дунёга ҳожатим йўқ, дея ундан ўзини қайтариш, ато этилган неъматлардан юз ўгириш зоҳидлик белгиси эмас, аксинча, Аллоҳнинг неъматига ҳурматсизлик, манманлик ва риё кўринишидир.

**Жаъфар АБДУЛМЎМИН**

## Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ТУВАЙЖИРИЙ

Аллоҳга ҳамдлар ва мақтовлар бўлсин. Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсларимиз ёмонлиги ва амалларимиз хатоликларидан Аллоҳнинг паноҳига ўтамиз. Аллоҳ кимни тўғри йўлга бошласа, уни ҳеч ким адаштира олмас ва У зот адаштириб қўйган кишини бирор кимса тўғри йўлга сола олмас. Ёлғиз Аллоҳдан бошқа қуллик қилинишга ҳақли бирор илоҳ йўқлигига иқрорман. Унинг шериги йўқ. Ва Муҳаммад Унинг қули ва элчиси эканига иқрорман.

Бу дунёга имтиҳон учун яратилган ҳар бир инсон олдидан икки йўл бор. Биринчиси ҳидоят йўли бўлиб, у йўл инсонни жаннатга олиб боради, иккинчиси залолат йўли бўлиб, у йўл жаҳаннамга элтади. Ҳар бир мўминнинг орзуси бу имтиҳон дунёсидан кейин эртага қиёматда мўминларга ваъда қилинган жаннатга киришидир. Агар биз жаннатнинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва хаёлларга ҳам келмайдиган неъматларидан хабардор бўлсак, унга муҳаббатимиз ортиб, шу мукофотларга эришиш учун доим солиҳ амаллар қилишга интиламиз.

Жаннатнинг Куръон ва ҳадисда баён қилинган сифатлари ва неъматлари ҳақида қисқача баён қиламиз. Аллоҳ жаннатни ўзига итоат қилган мўминларга тайёрлаб қўйган.

# ЖАННАТ ВАСФИ

### Жаннатнинг машҳур исмлари

Жаннат зотида битта бўлиб, исмлари бир нечадир. Қуйида улардан машҳурларини келтирамиз:

#### 1. ЖАННАТ – جَنَّة

Аллоҳ марҳамат қилади:

“Ким Аллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ҳаёт бахш этади ва бу катта зафардир” (Нисо, 13).

#### 2. ФИРДАВС ЖАННАТИ –

#### جَنَّةُ الْفِرْدَوْسِ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Албатта, имон келтирган ва солиҳ (яхши) амаллар қилган зотларга фирдавс боғлар манзил бўлади” (Каҳф, 107).

#### 3. ДАРВОЗАЛАРИ ЛАНГ ОЧИҚ –

#### جَنَّةِ عَدْنٍ مُّفْتَحَةً لَهُمُ الْأَبْوَابُ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Бу (биз сизга хабар берган қиссалар) бир эслатмадир. Шак-шубҳасиз, Аллоҳдан кўрқадиган зотлар учун гўзал оқибат – Улар учун барча дарвозалари ланг очик мангу жаннатлар бордир” (Сод, 49-50).

#### 4. МАНГУ ЖАННАТ – جَنَّةُ الْخُلْدِ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Ўй Муҳаммад, уларга) айтинг: “Шу (жаҳаннам) яхшироқми ёки тақводор зотларга ваъда қилинган мангу жаннатми?! У (яъни, жаннат тақводорлар) учун мукофот ва оқибат – борар жой бўлди” (Фурқон, 15).

#### 5. НОЗ-НЕЪМАТ ЖАННАТИ –

#### جَنَّةُ النَّعِيمِ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Албатта, имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун ноз-неъмат боғлари бордир” (Луқмон, 8).

#### 6. МАЪВО ЖАННАТИ – جَنَّةُ الْمَأْوَى

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун қилиб ўтган амаллари сабабли жаннат маъволар манзил бўлади” (Сажда, 19).

#### 7. ОЛИЯ (юксак) ЖАННАТИ – جَنَّةٍ عَالِيَةٍ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Сўнг у кўнгилли ҳаётда, мевалари (жаннат аҳли учун) яқин бўлган юксак жаннатда бўлур” (Ал-Ҳааққо, 21-23).

#### 8. ТИНЧЛИК ДИЁРИ – دَارُ السَّلَامِ

Аллоҳ яна марҳамат қилади:

“Улар учун парвардигорлари ҳузурда тинчлик диёри (яъни, жаннат) бордир. У зот (Аллоҳ) қилиб ўтган яхши амаллари сабабли уларнинг дўстидир” (Анъом, 127).

9. ОХИРАТ ДИЁРИ — الدَّارُ الْآخِرَةُ  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Биз ўша охират диёрини Ер юзида зулму зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилгувчи кишиларникидир” (Қасос, 83).

10. ТАҚВОДОРЛАР ДИЁРИ — دَارُ الْمُتَّقِينَ  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Тақводор зотларга: “Парвардигорингиз (ўз пайғамбарига) қандай нарсани туширди?” дейилганида, улар: “Яхшилиқни”, дерлар. Чиройли амал қилган зотлар учун бу дунёда ҳам чиройли мукофотлар бўлур. Лекин шак-шубҳа йўқки, охират диёри янада яхшироқдир. Тақводорларнинг турар жойлари нақадар яхши!” (Наҳл, 30).

11. МАНГУ ДИЁР — دَارُ الْمَقَامَةِ  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“У ўз фазлу марҳамати билан бизларни мангу бир диёрга туширдики, бу жойда бизларга на машаққат етар ва на чарчоқ етар” (Фотир, 35).

12. АЛ-ҲУСНА — الْحَسَنَى  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Энди имон келтириб яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат — жаннат мукофот бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осон — енгилларини буюрурмиз” (Каҳф, 88).

13. РАВЗА (Боғ) — رَوْضَةٍ  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Энди имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар (жаннат) боғида шодланурлар” (Рум, 15).

14. ТУБА — طُوبَى  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Имон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат — жаннат бордир” (Раъд, 29).

15. ФАЗЛ — فَضْلًا  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Мўминларга хушхабар беринг: шак-шубҳасиз, улар учун Аллоҳдан катта фазлу марҳамат (яъни, жаннат) бордир” (Аҳзоб, 47).

16. ЯМИН — الْيَمِينَ  
Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Энди агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, у ҳолда (эй саодатманд бандам,) сенга ўнг томон эгаларидан салом бўлгай” (Воқеа, 91).

Жаннатнинг ўрни

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَفِي السَّمَاءِ رِزْقُكُمْ وَمَا تُوْعَدُونَ

“Осмонда эса сизларнинг ризқларингиз (яъни, ерда ҳосил мўллигига сабаб бўлувчи ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (яъни, жаннат) бордир” (Аз-зорият, 22).

Бошқа бир оятда марҳамат қилинади:

وَلَقَدْ رَءَاهُ نَزْلَةً أُخْرَى

عِنْدَ سِدْرَةِ الْمُنْتَهَى

عِنْدَهَا جَنَّةُ الْمَأْوَى

“Қасамки (Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаброил фариштани ўзининг аслий суратида) иккинчи бор (жаннат) четидаги нилуфар олдида кўрди. Жаннати маъво ҳам ўша нилуфарнинг олдидадир” (Нажм, 13–15).

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминга ўлим келган пайтда раҳмат фаришталари келиб, жони олингач, оқ ипакка ўралиб, осмон эшигига олиб борилади, шунда осмон фаришталари, бундан покроқ ҳидни топмадик, дейишадилар...” дедилар» (Ҳоким ривояти).

Жаннат эшикларининг номлари

Жаннатдаги ҳар бир эшикнинг номи бўлиб, у эшиклардан шу номларга муносиб солиҳ амаллар билан ҳаёт кечирган мўминлар кирадилар. Бу сўзимизнинг далили Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги сўзларида ўз аксини топган:

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким Аллоҳ йўлида бир жуфт нарсани инфоқ қилса, жаннат эшикларидан чақирилади. Эй Абдуллоҳ, бу яхши. Ким намоз аҳлидан бўлса, жаннатдаги намоз эшигидан, ким рўза аҳлидан бўлса, Райён эшигидан, ким садақа берувчи аҳлдан бўлса, садақа эшигидан чақирилади”».

Бу эшиклардан (бириндан) чақирилган кишига бошқасидан чақирилишга эҳтиёж йўқ. Лекин Абу Бакр: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Расулulloҳ. Бирор инсон бу эшикларнинг ҳаммасидан чақириладими?” дедилар. Расулulloҳ дедилар: “Ҳа! Сиз улардансиз (яъни, ҳамма эшикдан чақириладиганлардансиз) деб умид қилман” (*Муттафақун алайҳ*).

### Жаннат эшикларининг кенглиги

Утба ибн Фазвон (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бизларга жаннат эшикларидан бирининг икки табақаси ораси қирқ йиллик йўл эканлиги айтилди. Шундай кун келадими, у тиқилинчдан тўлиб-тошади” (*Муслим ривояти*).

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кун гўшт келтирилди... сўзларининг охирида дедилар: “Муҳаммаднинг нафси измида бўлган зотга қасам, Жаннат эшикларидан икки эшик табақасининг оралиғи Макка билан Ҳажар ёки Макка билан Бусра шаҳарлари оралиғичадир” (*Муттафақун алайҳ*).

«Мухтасар фикҳул исламия» китобидан  
«Шайх Зиёвуддин» жомеъ масжиди имом-хатиби, Имом Бухорий номидаги Тошкент Исло институти ўқитувчиси  
**Раҳматуллоҳ НУРМАТОВ**  
таржимаси

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ (алайҳиссалом) НАМОЗ ЎҚИГАН ЖОЙЛАР

### Байъат масжиди

Биринчи Ақоба байъати Минодаги ушбу масжид ўрнида, пайғамбарликнинг 12-йили, яъни, 621-милодий сананин июл ойида бўлиб ўтган. Байъатда Мадинадаги Авс ва Ҳазраж қабиласидан ўн икки нафар оқсоқол иштирок этган. Иккинчи Ақоба байъати ҳам худди шу ерда, ордан бир йил ўтгач бўлди. Бунисида Мадина аҳлидан етмиш уч эр ва икки аёл иштирок этди. Улар Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинаи мунавварага кўчиб ўтишга чорлаб: «Қачонгача Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Макка тоғларида қочиб юришларига қараб турамиз», дейишди.

Иккинчи байъат «Катта Ақоба байъати» деб ҳам аталади. Ҳижрий 144 (милодий 761) йили Абу Жаъфар Мансур ушбу байъат қилинган ўринда масжид қурдирди. Бу ҳақда масжиднинг қибласи ташқарисига ёзиб-маҳкамлаб қўйилган тахтача ҳам бор.

Ўтган давр ичида халифалар бу тарихий масжидга аҳамият бериб келишган. Усмонлилар қурдирган ҳозирги бино тош ва ганчандир. У Минодан Маккага тушишдаги кўприкнинг ўнг томонида, Ақоба тош отиш жойидан уч юз метр нарироқдадир.

### Шажара масжиди

Умар ибн Хаттобдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хужунда эканларида мушриклар у зотнинг даъватларини рад этишди. Шунда у зот: «Аллоҳим, бугун менга бир аломат кўрсатгинки, бундан кейин мени ёлғончига чиқарган кишига аҳамият бермайин», дедилар. Сўраган нарсалари берилиб, у зотга: «Дарахтни чақиргин», дейилди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чақирган эдилар, бир дарахт юриб келди-да, у зотга салом берди. Кейин амр қилган эдилар, ўз ўрнига қайтиб кетди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Энди бундан кейин қавмимдан бирор киши ёлғончига чиқарса, аҳамият бермайман», дедилар.

Ҳижрий 597-санада вафот этган Ибн Жавзийнинг айтишларича, Макканинг юқорисидаги ўша жойда барпо қилинган масжид «Шажара», яъни, «Дарахт масжиди» деб номланган. Дарахтнинг келиб салом бериши ҳодисаси рўй берган пайтда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа жойда бўлганлар.

Шажара масжиди Ҳижрий 1421 йили қайта таъмирланди.

Доктор Муҳаммад Илёс  
Абдулганининг  
арабча «Маккаи мукарраманинг  
эски ва янги тарихи» китобидан  
**Анвар АҲМАД**  
таржимаси

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Хава ҳеч қачон ифторга кечикмайди. Покиза кийиниб, ширин-ширин хурмодан олиб яқинлари ҳузурига шошилади. Ифторлик тайёрлашга ёрдам бериш учун у атайин эртароқ келади. Дастурхонга эса ҳаммадан кейин ўтиради. Мана, тўққизинчи рамазони ҳам ўзига хос ҳузур билан ўтмоқда. Бироқ у илк рамазонини ҳамон ҳаяжон билан эсга олади.

«Мен ўшанда мусулмонлар хизмат қиладиган йирик компанияда ишлардим, – деб ҳикоя қилади Хава. – Уларнинг ҳаёти мен учун жуда қизиқарли кўринарди. Улар самимий, доим барчага меҳрибон эдилар. Жамоага бўлган илиқ муносабатлари ҳавасимни келтирарди. Оила улар учун муқаддас саналарди.

мени олға сураётгандек туюларди. Офисга югуриб кирдим ва шаҳодат калимасини ёддан, бор овозим билан айтдим. Калимани айтар эканман, чўнтагимда тўрт буклам қилиб, эҳтиёткорона тахланган варақни чиқардим. Уни қалбимга босар эканман, руҳим вужудимни ҳаловат бешигида аллалар эди...

Жуда ёш, қирмизи юзли, тим қора кўзли Зайнаб менга тикилганича қимирламай туриб қолди. Мижжаларидан ёноқларига тушаётган кўзёшларини кўрдим. Борлиқ унинг ҳар бир томчи кўзёшида акс этаётгандек бўлди. Ойша хоним эса ҳайратли нигоҳларини менга тикиб: “Аллоҳ! Бу воқеа рамазоннинг баракоти!” дея такрорларди.

Ҳаммаларининг сўз ва қарашларида фақатгина байрамона руҳиятни кўрардим.

## ХАВАНИНГ ИЛК РАМАЗОНИ

Аста-секин Ислом дини ва мусулмонлар тарихи ҳақида китоблар ўқий бошладим. Касбдошларимдан негадир бу қизиқишларимни яширишга уринардим. Агар хабар топишса, мени “эси паст” деб ўйлашлари мумкиндек. Ёки ғуруримми бунга йўл кўймасди.

Уларнинг ибодати менга сирли туюларди. Аниқ вақтларда хонани тарк этиб, Яратганга илтижо учун қатор бўлиб туришлари ғалати кўринса-да, ҳайрат билан кузатар, айна дақиқаларда нималарни ўйлаётганларини билишга интилар эдим. Тангри уларни эшитяптимикиан?.. Сон-саноксиз қоғозлар олдида ўтирган, сокин, гўё ўзи ибодат қилмаётганидан ийманаётган қизни – мени кўряптимикиан?..

Бундан ҳам қизиқроқ воқеа кейинча содир бўлди. Рамазон ойи бошланди. Кун давомида ҳечам овқатланишмас, бироқ янада ишчан, қорачадан келган юзлари нурли ва доимо хушнуд юришар эди. Қоринлари очгани ҳақида ҳеч биридан эшитмасдим. Мен эсам, тушлиқда бурчақдаги ошхонага борардим. Ички туғёнларимнинг сабри бир ҳафтага етди. Ўша куни ҳаяжондан титраган ҳолда ишхонага отландим. Кўлимда дафтар варақсига ёзилган шаҳодат калимаси...

Аниқ эсимда, ўша тонг ниҳоятда ёрқин эди. Гўё оёқларим ерни босмас, енгил шабада

Қачондир бир дугонам «Рамазон» эркаклар исми, деб айтган, мен ўшанда: “Йўқ, Рамазон ойнинг номи”, дея қаршилиқ билдирган эдим. Ҳозир ўша суҳбатни эсладим.

Кечқурун мени хурмо, нон, ош, ширинликлар билан тўлдирилган дастурхонга – ифторликка таклиф қилишди. Ўша дастурхондаги хурмоларнинг таъмини мен ҳалигача унутганим йўқ. Ичганим бир қултум сув ҳам энг мазали сув эди.

Ўшандан буён ҳар рамазонда мен ўша шаҳодат калимаси ёзилган варақни, Зайнабнинг кўзёшлари ва ширин хурмоларни эслайман. Ҳозирда Зайнаб турмуш қурган. Ўзига ўхшаган гўзал фарзандлари бор. Ойша хоним эса бошқа давлатга кўчиб кетди. Менга унинг тақдири қоронғу. Бироқ бир нарсани аниқ биламан, ифтор маҳали у ҳам бир қултум сув ичади, нон синдиради...



Islam.ru дан  
Улуғой ДОЛИЕВА  
таржимаси

# ОДДИЙ ЭЪТИБОР

Онажоним ярим тунларгача нинага термулиб, топган пулларига биз фарзандлари учун янги кийимлар олиб келиб яйрардилар. Отамнинг дўппилари кир бўлар-бўлмас, янгисини кийдирардилар. Бирорта оддийгина матодан ўзларига ҳам янги кўйлак тикиб олишларини сўрасак, “Эгнимдаги бўлавереди. Кўчадагилар, кўни-кўшнилар сизларга қараб менга баҳо беришади», дердилар. Жуда кўп хонадонларда аёлларнинг бундай камсукум, фидойилиги шунчалар оддий ҳолатга айланадики, ой туғса ҳам, кун туғса ҳам болаларга, эр жанобларига!..



Онажоним ётиб қолган кунлари эди. Биз қизлар сипо бўлиб, тақинчоқлар ҳам юракка с и ф м а й , о н а м н и н г ёнларида ўтириб м и з . Қўқонга келин бўлган

жияним кўргани келиб қолди, бармоқларида қатор узуклар. “Узукларингдан битгасини мен тақиб турай”, дедилар онажоним. Бу гапдан ҳаммамиз ҳайратга тушдик, чунки тўқсон ёшга кирган бўлсалар, бирортамиз меҳрибонимизнинг ё қўлларида, ё қулоғу бўйинларида тақинчоқ кўрмаганмиз. Отамдан сўнг бизни ёлғиз ўқитиб, олий маълумотли, уйли-жойли қилган онажонимга бирорта тилла тақинчоқ олиб бериш хаёлимизга ҳам келмабди. Билмадим, балки онажоним охириги кунлари бармоқларини хурсанд қилгилари келдими ёки гўзал нарсаларга, безакларга ҳавасмандлик туйғуси аёл қонида ҳеч сўнмас эканми?..

Совғанинг катта-кичиги бўлмайди, дейишади. Аёлини вақт-бевақт ҳеч бўлмаса битта рўмол билан сийлаб қўядиган эрлар эҳтиромга лойиқ. Биламиз, ҳар ким фақат ҳадди сиғадиган, гапларига эътибор билан қарай-

диган, ишончини сўндирмаган кимсадан ниманидир илтимос ёки талаб қилади. Байрам куни бекангиз сизнинг каттами, кичикми совға билан кириб келишингизни кутса, бундан хурсанд бўлинг. Чунки хотинингиз сизга ҳадди сиққанидан, сизни ўзига энг яқин билганидан, марҳаматли эканингизга ишончи мустаҳкамлигидан шундай қилади.

Аёлнинг эридан ширин сўз, меҳр-муҳаббатли нигоҳлар, шабнам қатрасидек бўлса-да, совға кутмай қўйиши икки юракни боғлаб тургувчи сирли ришталарнинг нимжонлашуvidан белги эмасмикин?

Ҳаётда ҳар хил ҳолатларни кузатамиз. Дугонам ишхонага иккита туфли кўтариб келди. Сотмоқчи экан. Чармдан тикилган, пишиқ-пухта пойабзаллар. “Эрим менга олиб келибди, бирданига иккита туфли», деди у. Нима учун ўзи киймаганининг сабабини сўрадим. “Э, кўриниши чиройли эмас. Катта ёшлиларнинг туфлисига ўхшайди. Эримга иккитанинг ўрнига битта яхшисидан олсангиз бўлмайдими, десам, гапим ёқмади. Кийиб юришга қулай, ўзиям тоза чармдан бўлгани учун олиб келганмиш». Хуллас, у туфлиларни сотиб юборди. Аммо эри унга қайтиб бирор совға-салом қилмади.

Хуллас, совғанинг катта-кичиги, қимматарзони, чиройлию хунуги, керагу нокераги бўлмайди. Ҳадиси шарифда ҳам яқин одамлар бир-бирларига ҳадялар бериб туришлари лозимлиги айтилади. Кўнглимиз саҳнида ҳаёт ташвишлари ёки шунчаки ўзимизнинг лоқайдлигимиз боис ҳар доим ҳам эътибор беравермайдиган бир ниҳол бор. У меҳр-муҳаббат, мурувват чашмаларидан қанча кўп сув ичгани сайин, шунчалар кўп гунчалар бойлаб, гуллар очиб, ширин мевалар тугаверади. Оддий эътибор билан бўлса-да, кимнидир шод этсангиз, бу, аввало ўзингизга яхшилик қилганингиз бўлади.

**Муҳтарам УЛУФОВА,**

*Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими*

\* \* \*

Баъзи эрларнинг ёмон одатлари оила бахтига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолда уларни қутқариш учун аёлнинг кўмаги жуда муҳим.

Кўп аёллар сабри, яхши хулқи ва меҳрини эрини ёмон одатлардан қутқаришда қўллашади ва муваффақиятга эришишади. Эр ўзини тушунган, меҳр, сабр билан қаршилаган аёлининг қадрига етади, уни тарк этишни истамайди. Эрининг ёмон одатларига чидамай кўполлашган ва газабланган хотин ҳамма нарсани йўқотади.

## АЁЛНИНГ КЎМАГИ ЖУДА МУҲИМ

\* \* \*

Ҳақли бўлсангиз-да, жаҳл чиққан пайтда эрингиз билан тортишманг. Чунки жаҳл ўткинчи телбалиқдир. Газабланган одам ўзини назорат қилолмай қолади.

Уйдаги жанжалнинг голиби бўлмайди. Эркак ҳам, хотин ҳам, айниқса болалар ҳам катта зарар кўришади. Сержанжал оилаларда фарзандлар меҳрсиз бўлиб улгайишади.



## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



**Савол.** Қарз олиб ҳажга бориш мумкинми? (Тошкент шаҳри «Илонли ота» жомеъ масжиди.)

**Жавоб.** Қарз олиб ҳажга бориш тўғри эмас. Етарли маблағи бўлмаган кишига ҳаж қилиш фарз бўлмайди. Шундай экан, қарз тўлаш мажбуриятини зиммасига олиш ўрнига, Аллоҳ берган имкониятлардан тўғри фойдаланиш лозим.

**Савол.** Кўпинча ёшларимизнинг кўчаларда қўл билан ишора қилиб саломлашаётганига гувоҳ бўламиз. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз? (Тошкент шаҳри «Ракат» жомеъ масжиди.)

**Жавоб.** Орада масофа бўлиб, берилган салом эшитилмайдиган ҳолда ҳам қўл билан ишора қилиб саломлашиш мумкин эмас. Чунки бундай қилиш мусулмон одобида хилоф ишдир.

**Савол.** Макруҳ деб нимага айтилади? (Тошкент шаҳри «Кўйлик ота» жомеъ масжиди.)

**Жавоб.** «Макруҳ» сўзи луғатда «хунук саналган», «номаъқул иш» маъноларини англатувчи, шаръий ҳукмларда қўлланиладиган истилоҳдир. Таҳорат, намоз, рўза каби ибодатларда макруҳ иш қилинса, ибодат бузилмайди, лекин у нуқсонли ва савоби камийган бўлиб қолади. Масалан, намозхоннинг рукуда бошини баланд тутиши, қиротни шошилиб қилиши макруҳдир.

**Савол.** Баъзилар закотни масжид қурилишига беришади. Бу иш жоизми? (Тошкент шаҳри «Қуддуси Шариф» жомеъ масжиди.)

**Жавоб.** Тавба сураси 60-оятда закотни кимларга бериш лозимлиги баён қилинган. Масжид қурилиши оятда санаб ўтилганлар сирасига кирмайди. Закот моддий жиҳатдан қийналган кишиларнинг эҳтиёжларини қоплаш мақсадида жорий қилинган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг «Сўраган эдингиз...» (1-) китобчасидан олинди.

# БАҲРАЙН ДАВЛАТИ



Яқин Шарқдаги бу кичик давлат Форс кўрфази орқали Саудия Арабистони ва Қатар билан чегарадош бўлиб, ўттиз учта оролдан иборат. Уларнинг энг каттаси Баҳрайн оролидир.

Ҳозирги Баҳрайн милоддан олдинги учинчи минг йилликда йирик савдо империяларидан ҳисобланган Дилмуннинг маркази эди. Милоддан аввалги 1600-1000

*Майдони:* 695,15 км. кв.  
*Аҳолиси:* 700 минг киши.  
*Пойтахти:* Манама шаҳри.  
*Тузуми:* монархия.  
*Давлат бошлиғи:* амир-шайх.  
*Йирик шаҳри:* Муҳаррак.  
*Пул бирлиги:* Баҳрайн динари.


йилларда Дилмун инқирозга юз тутди. Милоддан олдинги 600 йилда у Вавилонга қарам бўлди. Милоднинг тўртинчи-олтинчи асрларига келиб, Баҳрайн сосонийлар давлати таркибига кирди. Еттинчи асрда бу ерга Ислом дини кириб келди ва мамлакат аҳолисининг кўпи мусулмон бўлди. Баҳрайн Ислом давлатлари таркибидан жой олди. Тўққизинчи-ўн биринчи асрларда Баҳрайн олдинига умавийлар салтанати, кейинчалик аббосийлар ҳукмронлигига қаради.

Ўн учинчи асрга келиб, Баҳрайн бир муддат мустақилликка эришди. Аммо 1487 йили Баҳрайн ва Муҳаррак ороллари Уммондан келган қабилалар босиб олишди.

Орадан ўттиз олти йил ўтгач, улар ўрнини португаллар эгаллашди ва мамлакатни 1602 йилгача идора қилишди. Ўн саккизинчи аср ўрталарида ҳокимиятга келган сулола ҳозиргача Баҳрайнда ҳукмронлик қиляпти.

Ўн тўққизинчи асрда Баҳрайндаги ҳокимият Буюк Британия назоратига ўтди.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бу ер-



дан топилган нефт конлари мамлакатнинг асосий бойлигидир. 1971 йил 14 августда мамлакат мустақилликка эришди ва орадан икки йил ўтиб, янги Конституция қабул қилинди.

Мамлакат иқтисодининг асосини нефт қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ташкил этади. Кема таъмирлаш, семуна ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда марварид излаш ва уни қайта ишлашга мослашган хунармандлик, кимё саноати ва алюмин эритиш анча ривожланган. Деҳқончиликда маккажўхори, буғдой, арпа етиштирилади. Водийларда катта-катта шафтоли, pista, ёнғоқ, хурмо ва папайя боғлари мавжуд. Чорвачиликда қўй, эчки ва қорамоллар боқилади. Балиқчилик ҳам анча тараққий этган.

Баҳрайн нефт ва унинг маҳсулотларини, алюмин, кимё саноати молларини четга чиқаради. Хориждан эса хом нефт, машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотла-





ри, транспорт қурилмалари, тикувчилик буюмлари сотиб олади. Буюк Британия, Саудия Арабистони, Жанубий Курия, Япония, АҚШ ва Австралия унинг савдодаги асосий шерикларидир.

Мамлакат аҳолисининг 73 фоизи араблар, қолганлари эса эронийлар, покистонликлар ва ҳиндлардир. Аҳолининг 85 фоизини мусулмонлар ташкил этади.

Ислом мамлакатнинг давлат дини саналади. Ўқув юртларида Қуръони карим ва фикҳ кенг ўқитилади, фатво маҳкамалари ҳам фаолият кўрсатиб турибди. Бу ерда кўплаб муҳташам ва чиройли меъморий услубда қурилган масжидлар, Ислом университети, исломий таълимтадқиқот институти, диний мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртлари мавжуд. Мусулмонларнинг ибодат қилишлари, таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган, диний адабиётлар чоп этиш яхши йўлга қўйилган.



Баҳрайн ҳукумати мусулмон аёлларнинг мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга яхши эътибор бермоқда. Мусулмон аёллар

давлат идораларида, ўқув юртларида, маданият, тиббиёт, спорт соҳасида катта ютуқларга эришишяпти. Масалан, баҳрайнлик ҳуқуқшунос ва сиёсатчи Ҳаё Рашид Халифа аввал Францияда элчи бўлган эди, ҳозир қиролик судида маслаҳатчи. Бу аёл Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 61-сессиясига раслик қилишга муносиб кўрилди.

Баҳрайн Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо бўлган.

#### Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 147-149.
2. «Атлас мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 21.
3. Интернет сайтлари.

Гана пресвитериан черкови раҳбари Жон Азума яқинда АҚШ евангелиячилари билан учрашувида мусулмонларни қандай қилиб насронийликка оғдириб олишга доир мулоҳазаларини айтди. Унинг фикрича, бу иш тўрт босқичда амалга оширилади.

## МИССИОНЕРЛИК НАЙРАНГЛАРИ

Биринчи босқич уларнинг ишончақидалари, кўрқинч ва қувончларига қизиқиш билдириш.

Иккинчи босқич мусулмонларга Инжилни кўрсатишдан олдин уларни «севишингни» намойиш қила олишдир.

Учинчи босқич мусулмонлар билан шахсий тажрибаларни ўртоқлашишдир. Жон Азума фикрича, бу усул одамларга кучли таъсир қилиши мумкин.

Ниҳоят, тўртинчи босқич суҳбатдошингда бўладиган ўзгаришларни кутишдан иборат, дейди бу ашаддий миссионер Жон Азума.

Маълумки, билимсиз, содда мусулмонларни насронийликка оғдиришнинг асосий омили уларга моддий ёрдам бериб алдашдир.

*IslamOnline сайтидан*





# ТАРИҚАТ ТЎҒРИСИДА

ЎМИ раиси ўринбосари  
Абдулазиз Мансур билан суҳбат

**Савол:** Бугунги кунда баъзилар шариат илми ва аҳкомларини яхши билмай ва уларга тўла риоя қилмай туриб, ўзларини тариқатдаман деб ҳисоблашяпти. Бу ҳолни қандай тушинтирса бўлади?

**Жавоб:** Сўфи Оллоёр “Саботул ожизин” китобида:

«Шариатсиз киши  
учса ҳавога,  
Кўнгул берма

анингдек худнамоға»,  
деб шариатга риоя қилмайдиган киши ҳатто ғайриоддий иш содир этса ҳам, унга эргашмасликка чақиради.

Бинобарин, ҳозир тариқатга кирдим деб юрганлар орасида шариат аҳкомларини яхши билмайдиганлар кўп учрайди. Бу ҳол уларнинг хатога йўл қўйиши мумкинлигини билдиради. Мўмин киши аввало таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, никоҳ, талоқ каби мавзуларга доир масалаларни яхши ўрганиб олиши шарт. Айниқса, ақоид масалаларини яхши билиб олмай туриб, шариатни ҳам, тариқатни ҳам даъво қилиб бўлмайди.

**Савол:** Тариқатнинг асоси Қуръон ва ҳадис дейила-

ди. Буни қандай тушуниш керак?

**Жавоб:** Тариқат ҳам аслида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга асосланади. Бундан ташқари, тариқат асосчилари тузган ва киритган қоидалар ҳам бор. Шунинг учун тариқатлар бир-биридан баъзи хусусиятларига кўра ҳам ажралиб туради.

**Савол:** Тариқат пири қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши зарур?


**Жавоб:** Тариқатдан сабоқ берувчи устозни «пир» ёки «муршид», баъзан «шайх» деб аташган. Бу вазифани зиммасига олган кишига катта масъулият юкланади. У шариат аҳкомларини пухта биладиган, билганига амал қиладиган, тариқатнинг мазмун-моҳиятидан тўла хабардор, муридларга сабоқ беришга яроқли, тақво, илм ва ҳилм соҳиби бўлиши шарт. Юртимиздан бундай сифатларга эга комил муршидлар тарихда кўп етишиб чиққан. Лекин, ҳозир ўзини пир ҳисоблаётган ҳамма ҳам салафларимиз даражасида эмас. Шариат илмини, тасаввуф

илмини пухта эгалламасдан туриб, тўғри йўлни топиш қийин. Уламоларимиз истиқлол шарофати билан энди энди тасаввуфни ўргана бошлашди. Тасаввуф ўта мураккаб ва чуқур изланишни талаб қилади.

**Савол:** Баҳоуддин Нақшбанд «Дил ба ёру даст ба қор» деб халқ билан бирга бўлишни, халқнинг хизматини қилишни, илм-маърифатни ривожлантиришни тарғиб этган. Ҳозир эса айримлар ўзларича тасаввуфда қанақадир даражаларни ихтиёр қилиб қолишмаяптимикин?

**Жавоб:** Дарҳақиқат, нақшбандия тариқати таълимоти касб-ҳунар ва меҳнатдан ажралмаган ҳолда илм-маърифатни муттасил зиёда қилиб боришга даъват этади. Ишёқмаслик, дангасалик, жоҳиллик, илмсизликдан қайтаради, бидъат-хурофотларга берилмасликка чақиради. Айниқса, кибр-ҳаво, манманлик, риёкорлик каби сифатлар тасаввуфда қаттиқ қораланади.

Ҳозирги баъзи «тариқатчи»лар мазкур таълимотга



ларига ҳам, тариқат кўрсатмаларига ҳам тўғри келмайди. Ояти қарималар ҳукмига кўра, аёли ва болаларини боқиб, кийинтириш оила бошлиғига вожибдир. Бу масъулиятни унутган киши гуноҳкор саналади. Оилани иқтисодий таъминлаш ва фарзандларни яхши тарбиялаш энг буюк савобли ишлардандир.

**Савоб:** Ислом таркидунёчиликни қоралашини ҳамма билади, аммо баъзи «тариқатчи»лар ўзларини жамиятдан четга тортаётганларини эшитиб қоляпмиз. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

**Жавоб:** Ислом дини таълимотига кўра, дунёни деб охират ишларини ташлаб қўймаслик, охиратни деб дунёни тарк этмаслик лозим. Балки дунё ва охират ишларини ҳам тўғри, меъёрида бажариб бориш айни савобдир. Ҳозирги кунда тариқатга ўтдим деб юрган айримлар оиладан, маҳалладан, жамиятдан ажралиб қолишяпти. Ҳадиси шарифда: “Одамлар орасида яшаб, уларнинг азият ва инжиқликларига сабр-тоқат қилиб юриш улар-

дан четга чиқиб, ўз манфаати йўлида юришдан афзалдир, Ислом динида хилват ва узлатга чиқиб роҳиблик билан ибодат қилиш йўқ”, дейилган («*Жомеъ ас-сағир*»).


Айтилганлардан келиб чиқиб, тариқатга қизиқувчиларга баъзи тавсияларимиз бор: биринчидан, уламолар ва имом-хатиблар билан маслаҳатлашмасдан, ўзларича ҳар хил тариқатларга кириб кетишмасин. Иккинчидан, энг олдин шариат илмини пухта эгаллашсин. Қолаверса, тариқат нафсни шиширишга эмас, балки жиловлашга тарғиб этадиган йўл.

Келажақда тасаввуф таълимоти бўйича етук мутахассис олиму алломалар юртимиздан кўплаб чиқишини Аллоҳ таолодан сўраймиз.

зид ҳолда ўзларини бошқалардан устун қўйишга ҳаракат қилишади. Ўзлари илмаърифатга қизиқмаганлари ҳолда, ёш авлодни мактаб ўқишларидан ва замонавий фанларни ўзлаштиришдан ҳам совутмоқчи бўлишади. Диний ва дунёвий билимлардан баҳрасиз киши тариқат аҳлидан бўлиши амримаҳол.

**Савол:** Тариқат оила ва фарзанд тарбиясига қандай ёндашади? Ҳозир шаръий вазифаларига энгил қараб, оила аҳли нафақасига қайғурмаётганларни ҳам учратиш мумкин. Бунга нима дейсиз?

**Жавоб:** Оилага эътибор ва фарзанд тарбияси Ислом динининг энг жиддий нуқталаридан ҳисобланади. Ҳалол касб билан оиланинг нафақасини таъминлаш ҳар бир мусулмон зиммасига вожиб қилиб белгиланган. Оила ва фарзандларини нафақасиз қолдириб, узоқ жойларга кетиб қолиш шариат қонун-



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Халқаро анжуман



Малайзия пойтахти Куала Лумпур шаҳрида муслмон олимлари, жамоат арбоблари, ҳуқуқшунослар, муфтийлар ва мударрислар

иштирокида «XXI асрда ижтиҳод ва ижмо: вазифалар, истиқболлар» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда ҳозирги даврда ижтиҳод қилиш, ҳукм чиқариш, фатво бериш жараёнини тартибга солиш масалалари муҳокама этилди.

Муслмонлар бирлиги институти раҳбари, Малайзия халқаро университети ректорининг ўринбосари профессор Санно Кутуб айтишича, анжуманни ўтказишдан мақсад Қуръон ва ҳадисга, айни пайтда замонавий талабларга ҳам мос фатволар чиқаришнинг умумий услубиятини ишлаб чиқишдир.

IslamNews

## Олимлар хулосаси

Канада ва АҚШ олимлари фазовий жараёнларнинг ўзлари ишлаб чиққан компютер модели асосида олиб борган тадқиқот ва кузатишларини яқунлашди. Бундай моделни Онтариодаги Гвелф университети (Канада) ва Эванстондаги Шимолий-ғарбий университет (АҚШ) олимлари ишлаб чиқишган. Улар Қуёш тизимига ўхшаш сайёралар силсиласи коинотда ўз-ўзидан ҳосил бўлиш эҳтимоли йўқ ҳисоби деган хулосага келишди.

Олимларнинг бу хулосаси АҚШ ва Буюк Британия астрономлари олиб борган тадқи-

қотларнинг яқинда эълон қилинган натижаларини тасдиқлайди. Улар Орион сайёралар тўпидан икки юз элликта ёш юлдузни ўрганишди ва уларнинг ҳар ўнтадан бирида Юпитерга тенг келадиган улкан сайёралар бор, деган хулосага келишди. Женева расадхонаси олимлари эса коинотдаги улкан ёриткичларнинг ўттиз фоизиди бизнинг Ерга келадиган сайёралар мавжудлигини таъкидлашган эди.

Лента.ru

## Ироқдан қачон кетишади?

АҚШ ҳарбий кучлари уч йил ичида Ироқдан олиб чиқиб кетилиши керак. Ироқ ташқи ишлар вазири Хошиёр Зебарий Буюк Британиянинг *The Times* нашрида ана шундай баёнот билан чиқди.



Бу ўринда гап АҚШ ҳарбий қисмларининг Ироқдан олиб чиқилиши ҳақида боряпти, ammo америкалик ўргатувчилар бу ерда узоқ қолишлари мумкин.

Пентагон вакиллари бу хабарни шарҳлашмади. 2008 йил охирида АҚШ қўшинларининг Ироқда туриши учун БМТ белгилаган муддат тугайди. Ҳозир Ироқда америкалик 145 минг ҳарбий хизматчи бор.

Лента.ru

## Кўҳна шаҳар қолдиқлари

Украина қадимшунослари Конки дарёси бўйида Олтин Ўрда замонида оид шаҳар қолдиқларини топишди. Запорожье вилояти

марказидан атиги қирқ чақирим жойдан олинган топилмаларга кўра, қачонлардир бу ерда мусулмонларнинг масжид ва миноралари бўлган шаҳар-боғи гуркираган. Қадимшунослар бу кўҳна шаҳарнинг Буюк Ипак йўлида жойлашганини, Оврупадан Осиёга товар ташиган карвонларнинг севимли кўналғаси бўлганини таъкидлашяпти.

Қадимшунос Михаил Илников: “бу шаҳар-боғда баландлиги беш метрли иморатлар бўлиб, деворлари ўша даврга хос фишлардан терилган ва безатилган”, дейди.

*СТ телеканал*

### **Бош котибнинг айтганлари**

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида мусулмон олимлар, сиёсатчилар ва журналистларнинг Ислом олами фанлар академияси ташкил этган халқаро илмий анжумани ўтказилди. Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли анжуман иштирокчиларига мактуб йўллади. “Биз тараққиётда Фарб билан Ислом мамлакатлари ўртасидаги фарқни камайтириш учун фанлар академияларимиз, университетларимизга ҳартомонлама катта эътибор беришимиз керак”, дейилади мактубда. Ҳозирги шароитда мусулмон мамлакатлари раҳбарлари иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шаклига ўтиш нақадар муҳимлигини англаб етишлари зарур. Бош котиб айтишича, ИКТ Ислом оламида “инновация атласи”ни тайёрлашга киришган.

Анжуманда 35 давлатдан келган 600 нафар олим иштирок этди.

*“Интерфакс”*

### **Янги Зеландияда Ислом ҳафталиги**

“Оила мустаҳкам – жамият хотиржам”. 4 – 11 август кунлари Янги Зеландияда Исломни англаш 5-анъанавий ҳафталиги мана шу шиор остида ўтди. Ҳафталик доирасида масжидларда очик эшиклар куни, динлараро мулоқотлар, санъат ва ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий таомлар фестивали каби тадбирлар уюштирилди.

Янги Зеландия Ислом ташкилотлари уюшмаси президенти Жавод Хон Sunday Star Times газетасига берган суҳбатида: “Биз мамлакат аҳолисининг кенг қатламлари Ислом динини ва мусулмонларни янада яхши тушунишини истаймиз”, деди.

2006 йилги ҳисобларга кўра, мамлакатда

ўттиз олти минг мусулмон яшайди, қирқта масжид ва Ислом марказлари, иккита таълим муассасаси улар ихтиёрида.

*IslamOnline*

### **Тамаки чекишга қарши**

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Дубай шаҳри соҳилбўйи дам олиш масканларида тамаки чекиш тақиқланди. Шаҳар



соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Аҳмад Шамарий: “Биз Дубайни сигарет ва тамаки тутунидан озод бўлган шаҳарга айлантирамиз”, деди. Ҳозир шаҳардаги дўконлар, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, умумий овқатланиш жойларида чекиш тақиқланган. Амирликнинг савдо марказларида 2007 йил 15 сентябрдан тамаки чекишга тақиқ жорий қилинган эди.

Аҳмад Шамарий айтишича, яқинда чекиш тақиқланган жойларда қоида бузган кашандаларга солинадиган жарима миқдори ҳам аниқланади.

*Gulf News*

### **Энг кекса отахон вафот этди**

Милодий 1879 йили Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳрида туғилган отахон Ҳабиб Миён 129 ёшида (ҳужжатларга кўра) вафот этди. Аммо отахоннинг ўзи бу йил 138 ёшга кирганини таъкидлар эди. У бутун умр Жайпурнинг мусулмонлар яшайдиган туманида истиқомат қилди. Қисман фалаж хасталигига чалинган, бундан эллик йил илгари кўзлари кўрмай қолган эди.

2003 йилга келиб умри узоқ отахоннинг исми вақтли матбуот саҳифаларига чиқди. Ҳабиб Миён Маккага ҳаж қилишни хоҳлар, аммо имконини тополмас эди. Отахоннинг таржимаи ҳолини ўқиган британиялик тадбиркор 5700 дўллар бериб, унинг ҳаж сафарига ҳомийлик қилди.

Қизиқ, 2007 йили жаҳондаги энг кекса киши деб япониялик 111 ёшли Кюсю Томози тан олинган, унга Гиннес рекордлар китоби ҳужжати ҳам берилган эди. 2006 йили пуэрториқолик Эмиляно Меркадо (114 ёш) энг кекса деб топилган эди. Аммо

энди сайёрамиздаги энг кекса отахон ҳиндистонлик Ҳабиб Миён экани маълум бўлди.

Лента.ru

### Эрон ёрдам беришга тайёр

Эрон мусулмон мамлакатларига сунъий йўлдош учиршида ёрдам беришга тайёр. Ер орбитасига йўлдош олиб чиқишга қодир ракетани синаш-учириш амалга оширилганидан сўнг Эрон Ислом Республикаси расмийлари шундай баёнот беришди. Жумладан, мамлакат аэрофазо маҳкамаси бошлиғи Ризо Тағипур: “Эрон дўст мусулмон мамлакатларининг йўлдошларини фазога учиршига тайёр”, дея маълум қилди.

Бундан илгари Эрон Ислом Республикаси биринчи тижорий йўлдошини 2005 йили Россия билан ҳамкорликда фазога учирган эди.

The International Herald Tribune

### “Минарет”да янгилик



Таниқли жамоат арбоби, олим Али Вячеслав Полосин “Мадина” нашриёт уйининг “Минарет” журналига бош муҳаррир этиб тайинланди. Шу пайтгача Ярославл шаҳри имоми Рустам Ботиров раҳбарлик қилган журналнинг мавзулар доираси кенгайди, ҳатто ўлчами

ҳам ўзгарди. Энди у “мусулмон ижтимоий фикри Овроосиё журнали” мақомида нашр этиладиган бўлди.

Журнал таҳрир ҳайъати раиси Дамир Муҳиддинов айтишича, “Овроосиё” дейилганида аҳолиси ўрисча сўзлашувчи МДХ ҳудудлари тушунилади. У мусулмон жамоатчилиги вакилларида ташқари журналга машҳур фақиҳлар, турли соҳаларнинг олимлари, шунингдек, мусулмон бўлмаган мутахассислар ҳам жалб этилишини маълум қилди.

Islam.ru

### Ноёб қўлёзма топилди

Кўкчатов шаҳридаги қозоқ адабиёт ва санъати музейи олимлари Хожа Аҳмад Ясавий (вафоти мил. 1166) ҳикматлар девонининг ноёб қўлёзма нусхасини топишди.

Маълумки, мазкур асарнинг ноёб қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, Туркия, Франция,

Швейцария кутубхоналарида сақланади. Янги топилган қўлёзмани олимлар тахминан XVIII асрда кўчирилган дейишяпти.

«Ислам в РФ»

### Италия товон пули тўлайди

Италия собиқ мустамлакаси Ливияга яқин йигирма беш йил ичида беш миллиард дўллар товон пули тўлайди.



Италия бош вазири Силвио Берлускони Бенғози шаҳрида Ливия инқилоби раҳбари Муаммар Қаззофий билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тарихий келишувни имзолаганидан сўнг ана шу ҳақда баёнот берди.

«Келишувда Италиянинг Ливия халқ хўжалиги тузилмаларига пул ётқизиш шаклида йигирма беш йил ҳар йили икки юз миллион дўллардан товон тўлаши кўзда тутилган. Биз мустамлакачилик йиллари Италия Ливияга етказган зарарни тўла тан оламиз», деди Берлускони.

Қадимий давлатлардан бири Ливия ўтган асрнинг биринчи ярмида ўттиз йил (1911-1931) Италия мустамлакаси бўлган эди.

ИТАР-ТАСС

### Кёлда жомеъ қурилади

Кёлн шаҳар кенгашида (Олмония) кўпчилик овоз билан улкан масжид қурилиши маъқулланди. Немис меъмори Готфрит Бем лойиҳасига кўра, масжид гумбазининг баландлиги 37 метрга, иккита минорасиники эса 55 метрга боради. Яъни, масжид баландлигига кўра, шаҳарда иккинчи ўриндаги иморат бўлади. Дин ишлари бўйича турк-Ислом уюшмаси Кёлн жомеъ масжиди қурилишига буюртмачи бўлди.

Кёлнда жомеъ қурилиши масаласи анчадан буён қизғин баҳсларга сабаб бўлаётган эди. Ниҳоят, шаҳар маъмурияти «очиқча сиёсат» ва бағрикенгликка асосланиб, шаҳарда масжидга эҳтиёж катта эканини эътироф этди. Уларнинг фикрича, мусулмонлар ибодатларни яхши биноларда адо этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Ҳозир Кёлн аҳолисининг ўн фоиздан кўпроғи мусулмонлардир.

РБК

# БУХОРОЛИК ИККИ ОЛИМ

## Муҳаммад Калободий

Абу Бакр Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Исҳоқ Калободий Бухорий ҳижрий тўртинчи асрда яшаган. “Тоҷул Исломи” лақаби билан машҳур бўлган. Йирик муҳаддис ва фақиҳ ҳисобланади. Кўплаб ҳадисларни санади билан ёд биларди. Ҳадисга доир “Баҳрул фавоид” номли китоби кейинчалик “Маъонийул ахбор” номи билан шуҳрат топди. Унинг исломий тасаввуф пайдо бўлиши бошида ёзилган “Китаб ат-таарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” номли яна бир асари ирфоний ақидалар мўъжаз ва ихчам усулда баён этилгани билан эътиборлидир.

Калободий ушбу асарида айтади: “Баъзи жоҳиллар тасаввуфга бидъатларни киргизишди ва нодуруст нарсаларни тасаввуфга нисбат беришди”<sup>1</sup>.

Калободий китобини ёзишда Қуръон оятлари, ҳадиси шариф, улуғ орифлар, дин арбобларининг сўзларига таянади, ақида баҳсларини изоҳлайди, ирфоний мавзуларни шарҳлайди ва баъзида арабий ҳамда форсий манбаларга мурожаат этади.

## Исмоил Мустамлий

Бухоролик яна бир таниқли олим Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мустамлий Бухорий ҳам атоқли фақиҳ, беназир муфассир эди.

Самъоний (1113–1167) “Ал-Ансоб” (Насабнома) китобида Мустамлий ҳақида бундай ёзади: “Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлий Бухоро аҳлидан бўлиб, муфассир эдилар. Бухорода кўп олимлардан таълим олганлар. Бу кишидан Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий ҳадис ривоят қилганлар”<sup>2</sup>.

Мустамлий ҳақида Абдулазиз Нахшабий “Муъжамуш шуюх” (Шайхлар қомуси) китобида бундай зикр қилган: “Бу киши Абу Бакр Муҳаммад ибн Яъқуб Исҳоқнинг “Китоб ат-таарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” ини шарҳ қилганлар. Омул (ҳозирги Чоржўй) шайхларидан ҳам таълим олганлар. Фақиҳ ва муҳаддис бир киши эдилар, фикҳ усулида мутакаллимлар йўсинини тутган эдилар. Ҳижрий 434 (милодий 1043) йил зулқайда ойининг ўн олтинчисиди, душанба куни пешиндан кейин вафот этганлар”<sup>3</sup>.

Абу Иброҳим Мустамлий нима учун бу китобни таълиф этгани ҳақида китоб муқаддимасида бундай ёзади: “Дўстлар мендан истадиларки, форс тилида диёнат, муомала, ҳақойиқ, мушоҳидот, ишоратларни ўзида шомил этган бир китоб ёзсам, токи уларнинг тушунчаси даражасида бўлса ва ибодатда адашмасинлар, чунки тавҳидда ғалат кетиш куфр эрур. Имконим даражасида ижобат айладим ва Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Яъқуб ал-Бухорий ал-Калободийнинг (раҳимахуллох) “Китаб ат-таарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” китобини шарҳладим... Биров менга айб қўймаслиги учун, нима айтган бўлсам, Аллоҳ таолонинг Китобидан оят ё Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифлари, фикҳнинг бирор масаласи билан қувватладим. Ва ушбу китобда тавҳидда эътиқод масаласи, диёнат, ҳол, мақом, ҳақойиқ, мушоҳадалар, рамзлар, ишоратлар, шайхларнинг сўзлари ва ҳикоятларни аҳли сунна ва жамоа ақидасига мувофиқ баён этдим”<sup>4</sup>.

Мустамлийшунос Мужтабо Минавий “Китоби шарҳи таарруф” номли мақоласида Мустамлий асарлари ҳақида бундай ёзган: “Яна икки китоб унга нисбат берилди. Бири форс тилида ёзилган Қуръон тафсири. Бу ҳақда машҳур шоир ва адабиётшунос Рашидуддин Ватвот маълумот берган. Иккинчиси, “Кашфул маҳжуб” номли бошқа бир асар. Ушбу китобнинг бир нусхаси Истамбулда Қилич Али Пошшо кутубхонасида сақланади. Қайси мавзуда ёзилгани менга маълум эмас, чунки кўлимдаги маълумотлар бу нусха ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди”<sup>5</sup>.

**Комилжон РАҲИМОВ,**

*Баҳроуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси  
маркази илмий ходими*

<sup>1</sup> Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. “Шарҳ ат-таарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф”. Теҳрон, 1-ж, 102-119 б.

<sup>2</sup> Абдулқарим Самъоний. “Насабнома” (Ал-Ансоб). Бухоро: “Бухоро”, 2003. 99-бет.

<sup>3</sup> Мустамлий, 1-ж, Муҳаммад Равшан муқаддимаси, 5-б.

<sup>4</sup> Мустамлий. 1-ж, Муҳаммад Равшан муқаддимаси, 5-б.;

<sup>5</sup> Мужтабо Минавий. “Китоби шарҳи таарруф”, “Яғмо” журнали, ҳ. 1328 й., 9-сон, 2-бет.

# Юрагингда имон бўлсин

## Шукр қил

Телба кўнгил, исён қилма бўшига<sup>1</sup>,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.  
Ҳар не келар бандасининг бошига,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.

Ўйлай-ўйлай хаёл битар, туш битар,  
Йиғлай-йиғлай кўзингдаги ёш битар.  
Ҳаққа имон келтирсанг, зўр иш битар,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.

Тангри данак ичра ўрмон яширган,  
Бугдой дони ичра хирмон яширган,  
Илоннинг захрига дармон яширган,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.

Кўнгил, бизни билмаган бор, билган бор,  
Ҳолимизга йиғлаган бор, кулган бор,  
Биздан кўра оғир дарди бўлган бор,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.

Телба кўнгил, балки маҳзун бўларсан,  
Балки қувнаб кўкда ойдек тўларсан,  
Битта мазор топиб бир кун қуларсан,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.

Фалак гар зулм этса, майли, қўй, этсин,  
Ориф айтар чилла битсин, дард битсин,  
“Тавакқалту...” де, ғамингни аритсин,  
Сабр айлагин, шукрона айт, дуо қил.

## Эй ёш дўстим

Эй ёш дўстим, бир ёнинг алп,  
Бошқа ёнинг эран<sup>2</sup> бўлсин.  
Сен паст кетма, ранжитма қалб,  
Севгинг шаминг, чиранг<sup>3</sup> бўлсин.

Бўлур эрсанг бир алп эран,  
“Чин мусулмон эр” дер кўрган.

Ҳаётингда мазмун берган  
Дину тоза тўран<sup>4</sup> бўлсин.

Пул, мулк, унвон қилиб асир,  
Кўрсатмасин сенга таъсир,  
Имонинг пок сақла, жасур,  
Зулм битсин, вайрон бўлсин.

Жабру зулматнинг ҳеч бири,  
Қилолмас сени асири.  
Ҳақ билганинг йўлдан юри,  
Хоҳ ёмғир-қор, бўрон бўлсин.

Эй ёш дўстим, жаҳлингни от,  
Сен билимни қилгин ният.  
Илму ирфон, маданият  
Сенга дўсту ёрон бўлсин.

Севгин сен ҳурлик, дирликни<sup>5</sup>,  
Севгин ватанпарварликни.  
Қўллагин умум бирликни,  
Юрагингда имон бўлсин.

Ниятингда бўлолсанг ёр,  
Орифнинг бир ўгити бор:  
Бир қўлингда билгисайёр<sup>6</sup>,  
Бир қўлингда Қуръон бўлсин.



Туркчадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржималари

Шавкат Усмон ВАЛИЕВ

## Нечун севмайин...

Қуръон десам, олам кўмилар нурга,  
Қуръон ўқиб, қалблар тўлар сурурга.  
У осийни бошлар Ҳаққа – Ғафурга,  
Ҳақ каломин нечун севмайин, дўстлар.

Аллоҳим ҳидоят берди, уйғондим,  
Соялар чекинди, нур ичра ёндим.  
Ҳар ҳарфи азиздир менга юз жондин,  
Ҳақ каломин нечун севмайин, дўстлар.

<sup>1</sup> бекорга, беҳудага

<sup>2</sup> Ҳаққа етишган

<sup>3</sup> машғала

<sup>4</sup> урф-одат

<sup>5</sup> тинчлик, осойишталик

<sup>6</sup> компютер



Қуръон нозил бўлди араб тилида,  
Қуръон тили бўлур жаннат элида.  
Ҳикматини билдик Ҳақ расулидан,  
Ҳақ каломин нечун севмайин, дўстлар...

Қуръон ила не-не тилсим ечилар,  
Қуръон суйган қулни Аллоҳ кечирар.  
Жаннатда Кавсардан сув ичирар,  
Мен нечун севмайин Қуръонни, дўстлар.



Бешариқ

Эрназар ТОПИЛ

## Нафсини ҳаддан ошмасин

### Охират экинзори


Дунё гўзал, умр шошқам,  
Яшайпмиз хотиржам.  
Бу неъматнинг шукрини  
Қанча қилсак, шунча кам...

Нафсини енгиб олишга  
Бир имкон бу, қолма кеч.  
Бевафо деб нолишга  
Ҳаққимиз бормикан ҳеч?

Илм-ҳикматни уққанлар  
Ҳаёт сирин билишди.  
Вақт ғанимат, ҳар нафас  
Яхши амал қилишди.

Нафсинг ҳаддан ошмасин,  
Уни тергаб йўлга сол.  
У сенингмас, сен унинг  
Жиловини қўлга ол.

Эрназар, сўзни бас қил,  
Ҳолингни бил, тавба де.  
То очикдир кўзларинг  
Охиратинг ғамин е.



### Тўртлик

Ўлим ҳақлигини аниқ биламиз,  
“Бевафо дунё” деб маҳзун бўламиз.  
Бевафо қайрилиб бир жилва қилса,  
Ўлим ҳам эсда йўқ, қувнаб-куламиз.

Оҳангарон тумани

Абдулносир БОБОМИРЗАЕВ

### Ҳиммат бергин

Ажал билмас ёшу қарини,  
Ҳар жон санар ой-йилларини.  
Омон сақлай қалб гавҳарини,  
Ўзинг қувват бергин, Аллоҳим.

Яхши ишга яхшилик бўлар,  
Зулм охир сарғайиб сўлар.  
Кўнгил имон нурига тўлар,  
Ўзинг ҳиммат бергин, Аллоҳим.

Наманган

Эрож МИРЗО

### Она меҳри

(Болаларга)

Мени ёруғ жаҳонга  
Келтирган мунис онам.  
Меҳр билан менга оқ  
Сут берган мушфиқ онам.  
Кечалари бошимда  
Ўтираркан беором.  
Мен-чи, унга бепарво  
Олганман нуқул ором.  
Онам ўтгатган менга  
Секин-аста туришни,  
Сўнг авайлаб, етаклаб  
Тетапоя юришни.  
Онамни шод қиларкан  
Лабимдаги табассум.  
Қувнатар экан уни  
Тилимдаги такаллум.  
Шундай экан, борлигим  
Онамнинг борлигидан.  
Унинг меҳри, соғинчи  
Онаизорлигидан.

Форсчадан ТИУ талабаси  
Ориф АҲМЕДОВ  
таржимаси

# МАВЛОНО ҲОФИЗ ТОШКАНДИЙ

Йирик давлат арбоби, аллома ва толмас тадқиқотчи сайёҳ Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий ҳижрий саккиз юз тўқсон олтинчи (милодий 1490) йил Паркентда мавлоно Мирзо Камолиддин ибн Алоуддин Али Қушчи оиласида дунёга келди. Яъни, машҳур олим Али Қушчининг неварасидир.

Султон Муҳаммад жуда эрта савод чиқарди. Етти ёшидаёқ Қуръонни мукамал ёд билган, нутқи ҳам равон бўлган. Она тили туркийдан бошқа араб, форс тилларида эмин-эркин гаплаша оларди. Тўққиз ёшида мадрасанинг энг ёш толиби бўлди. Ўн бир ёшида мадрасани битирганидан сўнг отаси Мирзо Камолиддин 1501 йили ўғли билан бирга Маккага сафар қилади. Ёш Ҳофиз бир йил Маккада замонасининг талай номдор илм дарғалари суҳбатларида қатнашади. Диний ва дунёвий илмларни етук ўзлаштирганни кўрсатиб, ҳаммани ҳайратда қолдиради. У ўша ерда жойлашган Байтул ҳикманинг (ҳозирги тил билан айтсак, «Фанлар Академияси»нинг) ёш «Фахрий аъзоси» де-


ган шарафли номга сазовор бўлди. Шундан кейин илм-фанда донг таратди. Бағдодда уч йилча қолиб, билимларини мукамаллаштиришда давом этди. Шу ерда у илмлар сардори – «Шайхулмашойих» деган ном ва ижоза (диплом) олди.

Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий ўн беш ёшларидан Исфаҳон, кейин Балх ҳамда Ҳирот шаҳарларига келди. Бу ўлкада ёш Ҳофиз улуг мутафаккир Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва бошқа улуг зотларнинг қабрларини зиёрат этгач, ота юрти Тошкентга қайтди. Айтишларича, у Ҳиротдалигида Ҳусайн Бойқаро ҳали ҳаёт бўлган. Ниҳоят ватанига қайтган Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий илмий фаолиятга қаттиқ берилади ва тезда «тошкандлик Ҳофиз Кўйкий» номи ила шуҳрат қозонади.

Ҳофиз Тошкандий ёшлигида икки йирик забардаст олимдан таҳсил олган. Булардан бири – Қозихон нисбали Қози Низом (Низомиддин) Бадахший, бошқаси эса мавлоно Асомиддин Иброҳим Исфарилийдир.

Иккинчи олим ҳақида «Мунтаҳабут таворих» китобида: «...Мавлоно Асомиддин Иброҳим Исфарилий кенг илм аҳли орасида бағоят яхши эътибори ҳам бор эди... яна ул жаноб мавлоно шунчалар бениҳоя кенг феъллик, одамохун, тили ширин, хуш тақрир олим бўлиб, мўътабар таснифлари ҳам бордур...»<sup>1</sup> дейилади.

Тошкент шаҳрининг ҳозирги Со-



бир Раҳимов тумани Чигатой дарвозасидаги Ҳофиз номли маҳалла қадимдан шу улуг зот номи билан аталиб келган. Ҳофиз Тошкандий Паркентдан ушбу маҳаллага келиб тургунлашиб қолгани эҳтимолдан йироқ эмас. «Кўйкий» таҳаллуси эса Кўҳак қишлоғининг бузилган шакли бўлиши мумкин («кўҳ» - «тоғ» маъносини билдиради).

Ҳофиз Кўйкий Тошкандий истеъдодли тарихчи олим, ҳуқуқшунос, таржимон, илми нужум (фалакиёт), жуғрофия, этнография, ҳандаса, риёзиёт, фалсафа, сарф-наҳв соҳаларининг улкан билимдони бўлган, улардан илмий-ижодий ишларида унумли фойдаланган алломадир. «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муаллифи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли ҳам асарида Ҳофиз Кўйкий ҳақида: «Фирдавсмонанд Тошканд диёридаги Ҳофиз Кўйкий маҳалласидан мавлоно Кўҳакий ақлий ва нақлий (диний ва дунёвий илмлар демакдир. — Ҳ.З.) илмларида бағоят зўр олим бўлган. Хусусан, Жомий Ҳиротийнинг (Абдурахмон Жомий назарда тутилади. — Ҳ.З.) араб тилида ёзилган сарф-наҳвга оид «Шарҳи мулло» номи билан шуҳрат топган «Фавоиди зиёия» асарига шарҳ ёзиб, баҳс ва жадал илми қоидаларини аъло даражага етказган. Ҳофиз Кўҳакий Тошканд аҳли ва бошқа жуда кўп ўлка олимларининг ифтихори бўлиб, бутун Дашти Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ҳамда Шарқий Хуросонда ҳам чексиз ҳурмат-эътиборга эга, кенг шуҳрат қозонган забардаст олимдир»<sup>2</sup>, деб ифтихор билан ёзгани диққатни тортади.

Ҳофиз Тошкандий ижоди равнақ топиб, камолот чўққисига чиқа бошлаган даври Убайдуллохон даврига тўғри келади. У Убайдуллохон ҳукмронлигининг дастлабки вақтларида бир фурсат пойтахт Самарқандда вазири аъзамлик (бош вазир) лавозимида ҳам турди. Абдуллахон II даврларига келиб эса, у илм-фан оламида кўзга кўринган йирик сиймолардан бири сифатида “Алломай замон”, “Маъдани илм ва ҳикмат” (“Илм ва ҳикмат кони”) бўлиб танилди.

Олим турли масалаларга доир ўндан зиёд нодир илмий асарлар ёзиб қолдирди. Унинг “Тарихи Тошкандий”, “Мезонул адаб” (Билим ва одоб мезони), “Рисолаи фи фаннийат тафсир вал усул вал фуруъ вал мантиқ вал

калом” (“Тафсир, фикҳ асослари ва унинг тармоқлари, мантиқ ва калом илми ҳақида рисола”) каби асарлари бизгача етиб келган. Кейинги асари ўша замонлардаёқ шуҳрат топган. Бу ҳақда Хожа Халифа тўрт жилдли “Сижил Усманий” китобида хабар беради.

Ҳофиз Тошкандий форс, араб, пушту, урду, ҳинд ва бошқа тилларни, кўпгина халқлар адабиётини, тарихини яхши билган, Шарқ ва Ғарбда танилган. У давлат ишлари билан машғул бўлган вақтларида ҳам илмий-ижодий ишларини давом эттирган, мударрислик қилган. Шу билан бирга, олам кезиб, эл таниган. Ироқ, Сурия, Яман, Судан, Жазоир, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Уйғуристоннинг қатор шаҳарларида саёҳатларда бўлган ва босиб ўтган барча шаҳарлари халқларининг турмуши ҳамда урф-одатлари, маданий, иқтисодий аҳволи билан чуқур қизиқиб, қимматли маълумотлар тўплаб борган.

“Сижил Усманий” китобида айтилишича, Ҳофиз икки марта Ҳиндистонга боради. Биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1528 йили Ҳиндистонни фатҳ этиб, бу оламшумул зафарни тантанали нишонлаганида, ўз она юртидан, Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларидан, Хуросондан, Дашти Қипчоқ ҳамда ҳатто Сибир хони Кучимхондан ҳам нуфузли меҳмонлар чорлатган эди. Шундай меҳмонлар қаторида Самарқанддан ҳукмдор Убайдуллохоннинг мухтор элчиси сифатида Ҳофиз Тошкандий ҳам Ҳиндистонга ташриф буюрган. Бобурнинг улкан тантанали қабул маросимида қатнашган. Кейинчалик подшоҳ саройидаги расм-русмларни ҳамда Дехли, Ҳайдаробод, Пешовар, Жайпур, Агра, Банорас, Лоҳур, Калкутта, Бомбай, Кашмир ва бошқа қатор жойларда кўрган-кечирганлари, маҳобатли қурилиш иншоотларию у ерларнинг ажойиб-ғаройиботлари ва иқлим шароитлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилар экан, унга Бобартон туманида кўрганлари, Лоҳурдаги машҳур Ҳофиз Раҳно боғи айниқса ёқиб тушганини, боғнинг гўзаллигини тасвирлашга қалам ожизлик қилишини қайд этади. “Мазкур боғ, - деб ёзади Ҳофиз Тошкандий, - худди Боғи Эрамнинг ўзгинасидур, деб айтса бўлади. Бу боғнинг бир томони Жамна дарёсига туташ-

ган бўлиб, бу ҳол ҳам бамисоли олтин узукка қўйилган олмос кўздай унинг ҳусни жамолини янада очар ва бағоят кўркамлаштирар эди»<sup>3</sup>.

Деҳли ҳақида ҳам у худди шундай дил сўзларини баён этади. Ҳофиз мазкур шаҳардаги масжид, мадраса ва работларни бориб кўрган. Жумладан, у ердаги авлиё Низомиддин, улуғ шоир Хисрав Деҳлавий ва бошқа сиймоларнинг қабрларини зиёрат этган.

Манбалар шоҳидлик беришича, Ҳофиз Тошкандий 1569-1570 йиллари иккинчи марта Ҳиндистонга бориб, Бобурнинг набираси Акбаршоҳ қабулида бўлган. Номдор саркарда ва подшоҳ Мирзо Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ бобоси Мирзо Заҳриддин Муҳаммад Бобурни кўрган, у билан мулоқотда бўлган бу улуғ инсонни сарой аъёнлари, давлатнинг юқори мартабали мўътабар кишилари билан Аградан бир кунлик йўлга чиқиб кутиб олган.

Ҳофиз Тошкандийнинг Чингизхон ва ўзбек ҳукмдорларига бағишлаб ёзган нодир тарихий асарлари фан оламида катта аҳамиятга эгадир.

Ўнинчи асрда яшаб ўтган тарихчи аллома Муҳаммад ибн Инъом Шарқий Туркистон – Уйғуристон мамлакати, унинг хоқони Тамғачхон ибн Буғро Қорахон номига форс тилида “Тарихи Туркистон” номли китоб ёзган. XVI аср ўрталарига келиб, бу асарнинг бир нухасини Ҳофиз Кўйкий Тошкандий топиб, уни диққат билан мутолаа қилади ҳамда ўзининг кўп йиллик саёҳати асносидаги таассуротлари, тўплаган талай қимматли бой илмий маълумотларидан фойдаланган ҳолда кенгайтириб, “Тарихи Хитой ва аҳволи мулкҳо” номи билан туркий халқлар, элатлар тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳволи, расм-русум, урф-одатлари, шаҳарларнинг жойлашиши, иқлими, табиатининг гўзал ва серманзаралиги ҳақида қизиқарли китоб ёзади.

Мавлоно Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий XIV-XV асрларда яшаб ўтган икки йирик аллома – Али ибн Муҳаммад Сайид ибн Нариф Журжоний билан Саъдиддин Тафтозонийга бағишлаб ҳам асар ёзган. Шунингдек, бу икки забардаст олим ўртасида ўтган адабиётшунослик мунозараларининг моҳиятини ёритиш мақсадида

“Истиораи тамсила” номли китобини ҳам битган.

Истамбулга борганида Абу Айюб Ансорий қабристонига бориб, улуғ фалакшунос бобоси Мирзо Алоуддин Али Кушчи қабрини зиёрат этган. У салжуқийлар ҳукмдори ва унинг вазири аъзами (бош вазири) Муҳаммад пошшонинг беҳад ҳурматига сазовор бўлган. Ўз навбатида узоқни кўра билувчи, ўткир фикрли ва юксак тафаккурли Султон Салим эса Ҳофиз Тошкандийни илму фазилатда, камолу амалиётда чексиз иқтидорли, салоҳиятли, тили ширин киши эканини кўриб, унга Туркияда қолишини сўраб, вазири аъзам лавозимини таклиф қилган. Бироқ улуғ олим ўзига билдирилган бундай беҳад улуғ ҳурматлар учун бағоят миннатдорлигини изҳор этиб, султоннинг таклифини узр ила рад этади ҳамда ота юрти Тошкентга қайтади ва қолган ҳаётини бутунлай илмий ишларини давом эттиришга бағишлайди.

Мавлоно Ҳофиз Кўйкий Тошкандийнинг яна бир машҳур «Тарихи олий Чингиз» («Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи») асари мўғул ва ўзбек халқлари тарихига доирдир. Бу китоб манбаларнинг аниқ ва тўлалигига кўра бошқа асарлардан ажралиб туради. Муаллиф ушбу асарини ёзишда умрининг кўп қисмини мўғул ҳукмдорлари саройида ўтказган эронлик номдор тарихчи Баҳоддин Муҳаммад Хожа Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг (1213-1283 йиллар) «Тарихи жаҳон кушойи ал-Жувайний» («Жаҳонни фатҳ этган жаҳонгир Чингизхон ҳақидаги тарих») номли асаридан, шунингдек, яна бир забардаст олим ҳамда замонасининг табиби, давлат арбоби бўлган Фазлуллоҳ Рашидуддиннинг (1247-1318 йиллар) «Жомеъ ат-таворих» («Танланган тарих») ҳамда Ҳамидуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Насир Мустофий Қазвинийнинг (1350 йили вафот этган) «Нузхатул қулуб» («Қалблар безаги») асарларидан кенг фойдаланган.

Ҳофиз Кўйкий ўзи мутолаа этган, манзур ҳамда мақбул деб топган китобларнинг очиқ саҳифаларига фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирган, айримларига шарҳ ҳам битган. Улардан бири тошкентлик мавлоно Соний Ёрмуҳаммад ибн Пирмуҳаммад Мирҳусайнийнинг «Муаммо» асаридир. Ҳофиз Тошкандий бу асарнинг бош қисмидаги очиқ

# МУСТАҲКАМ ИМОРАТ

саҳифасига ўз қўли билан форс тилида ёзиб қўйган ушбу сўзларини келтиришимиз мумкин: «Таажжуб ва ҳайратли иш бўлубдур. Бу қандайин гоҳарки, мавлоно Соний ҳазратлари ушунча махфий сирларни бениҳоят балоғат ва латофат тариқи билан — маоний хазинасин таомила такмилда тамоман қилубдурлар».

Олимнинг мавлоно Асомиддин Иброҳим Исфароилийнинг наҳвга оид «Мезонул адаб» асарига «Ужолатул баён фи шарҳал мезон» («Мезон шарҳининг тезкор баёни») номли шарҳи ҳам маълум.

Ҳофиз Кўйкий 1584 йили 94 ёшида Тошкентда вафот этган. Унинг қабри Тошкент шаҳрида, машҳур Қафқол Шоший (Хаср) мақбарасига кираверишда ўнг томондадир.

Мавлоно Ҳофиз Тошкандийнинг «Шарҳи одобул мунозара» («Одоб-ахлоқ тўғрисидаги мунозара китобига шарҳ») асарининг 1604 йили Балх шаҳрида машҳур хаттот Муҳаммад Замон кўчирган нусхаси, шунингдек, араб тилида ёзилган «Фавойиди зиёйя» номли асари, устози Асомиддин Иброҳим Исфароилийнинг форсча «Шарҳул мезон», «Дастурил фаройиз» номли китобларига ёзган шарҳлари Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

## Ҳабибуллоҳ ЗАЙНИДДИН

<sup>1</sup> Абдуқодир Мулкшоҳ Бадавоний. «Мунтахабул таворих», ЎзФАШИ институти жамғармаси, инв. 25.

<sup>2</sup> «Мунтахабул таворих», 239-бет.

<sup>3</sup> Муҳаммад Солиххўжа ўғли. «Тарихи жадидаи Тошканд», ЎзФАШИ институти жамғармаси, инв. 11073, 11-12-варақлар.

Ҳар қандай иморат пойдевордан бошланади. Пойдеворнинг пишиқлиги иморат мустаҳкамлигини белгилайди. Шу боис қурилишда бино пойдеворига алоҳида эътибор берилади. Ёшлар маънавияти борасида кўрсатилаётган ғамхўрликдан мақсад мустақиллигимиз пойдеворининг янада мустаҳкам бўлишини таъминлашдир. Тошкент Ислом университетига янги бино қурилиб, байрам арафасида талабаларга топширилгани шундай эзгу мақсад йўлида жуда хайрли иш бўлди.


Ушбу олий ўқув юртининг асосий вазифаси диний ва дунёвий билимларни, чет тилларни чуқур ўзлаштирган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдир. Бу мутахассислар аجدодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини пухта ўрганиб, бугунги қадриятларимиз билан уйғунлаштиришга, шу орқали жамиятимизни маънавий жиҳатдан янада ривожлантиришга хизмат қилишади.

Бино қурилишида миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлашган. Нақшли кошинлар билан безалган пештоқ, баланд гумбаз унинг кўркини янада оширади. Дарсхоналар замон талабида жиҳозланган. 850 ўринли катта ва кичик зал турли анжуман ва учрашувларни юқори дара-

жада ўтказиш имконини беради. 135 ўринли ахборотманба марказида 40000 номдаги дарслик, қўлланма ва адабиётлар жамланган. Марказнинг электрон қидирув тизими талабалар, устозлар учун қулай.

Инсон кимгадир керак эканини англаса, кўнглида яшашга, яхши бўлиб яшашга иштиёқ уйғонади. Билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қилади.

Бугун ёшларимиз кўнглида ота-онаси, яқинлари, Ва-



тани олдидаги бурч ва вазифаларни англаш, уларни кўнгилдагидек адо этиш иштиёқи ортаётгани кузатилади. Бу иштиёқ эл-юртига керакли одам эканини англаганларда кучли бўлади.

Тошкент Ислом университетининг кўркем биноси устозларни ҳам талабаларини янги ютуқларга илҳомлантириши табиий.

## Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи

(Мавзуга доир суратлар муқованинг 1—3-саҳифаларида.)



# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида 1973 йил 18 декабрда Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазириларининг биринчи анжумани тўпланган, ўшанда Ислом Тараққиёт банкига асос солинган эди. Банк аъзо мамлакатлар ва жаҳондаги кўпгина ўлкаларда Ислом кўрсатмалари ва йўл-йўриқларига мувофиқ шаклда иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий тараққиётга кўмаклашишни мақсад қилган. 1975 йил 20 октябрдан расман иш бошлаган бу молия тизими мусулмон оламининг давлатлараро ташкилоти ҳамда «Жаҳон банки» мақомига сазовор бўлди<sup>1</sup>.

Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) энг йирик, кўпқиррали пул ётқизувчилардан ҳисобланади. Айни чоқда у Ислом мамлакатлари иқтисодий ривожланишига кўмакни мувофиқлаштиришнинг ягона маркази ҳамдир. Бош қароргоҳи Жидда шаҳрида жойлашган. ИТБга 57 мамлакат аъзо бўлган. Работ (Марокаш), Куала Лумпур (Малайзия) ва Олмота (Қозоғистон) шаҳарларида учта худудий қароргоҳи бор.

Ислом динори ИТБнинг ҳисоблашдаги пул бирлигидир. Бугунги кунда банкнинг ҳиссадорлик сармоясини номинал қиймати ўн минг Ислом динорига тенг бўлган, умумий қиймати олти миллиард Ислом динорини ташкил қилувчи (бир динор 1,4 АҚШ доллари тенг) 600 минг ҳиссадан иборат<sup>2</sup>.

Банк аъзо мамлакатларда Ислом дини қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда турли шаклларда — яъни, қарз бериш, лизинг (насия-харид) савдони молиялаш, музораба, мушорака каби амалиётлар қилади, турли лойиҳаларни маблағ билан таъминлайди.

Банк тижорат мақсадида экспорт ва импортни молиялаш амалиётларига, Ислом банкларининг махсус сармоя жамғармалари билан турли кўринишларда аъзо мамлакатлар ўртасида савдони ривожлантиришга яқиндан кўмаклашади.

ИТБ Исломнинг асосий манбалари, мужтаҳид уламолар ишлаб чиққан ижтиҳод фатво ва ҳукмларга таяниб иш олиб боради. Ислом тараққиёт банки муносабатлари қуйидаги ҳукмларга асосан амалга оширилади:<sup>3</sup>

— молиявий муомалаларнинг барчасида, яъни, қарз беришда, савдода ва муддатли маблағлар ажратишда рибо ман этилади;

— фойда ва зарар билан боғлиқ барча пул тўловлари аниқ белгиланади;

— банк Ислом дини ҳукмлари асосида амалга ошириладиган амалиётлар бўйича келишувларни кафолатлайди, Ислом Конференцияси Ташкилотининг “Ислом фикҳ мажлиси” кенгашига мурожаат қилиб, барча муаммо ва ихтилофларга ечим топади.

ИТБ ҳам оддий банклардагидек, молиялаштиришнинг қарз бериш, насия (лизинг), узайтирилган муддатга сотиш, ҳиссадорлик сармоясини қатнашиш, қарз йўлларини очиш каби шаклларда иш юритади.

ИТБнинг вазифалари:

— аъзо мамлакатлардаги корхоналар низом маблағида иштирок этиш орқали фойдали лойиҳаларни молиялайди;

— аъзо мамлакатларининг ижтимоий ва иқтисодий қисм лойиҳаларига сармоялар кўяди;

— аъзо мамлакатларда фойдали лойиҳаларни, корхоналарни ва турли дастурларни молиялаштириш мақсадида хусусий ҳамда давлат қисмларига қарз беради;

– аниқ мақсадлар учун махсус жамғармалар ташкил қилади ҳамда уларни бошқаради. Жумладан, банк аъзолари бўлмаган мамлакатларда мусулмон жамоаларига ёрдам кўрсатади;

– аъзо мамлакатларнинг четга мол чиқариш савдосини, хусусан, асосий товарлар савдосини ривожлантиришга ёрдам кўрсатади;

– аъзо мамлакатларга техника ва технологиялар билан кўмаклашади;

риш ёки фойда олинишини кафолатлайдиган шартномалар тузиш мақсадида фойдаланиш мумкин эмас.

**4. Ахлоқий сифатга эга бўлмаган сармоялар.** Ислом динида маълум товарлар, хусусан, спиртли ичимликлар, қурол-аслаҳа, чўчка гўшти кабилар савдоси ман этилади. Бундай товарларни ишлаб чиқариш ҳам тақиқланади. Шунингдек, ИТБ турли хилдаги маишат, қимор бозори, улар билан боғлиқ соҳаларни молиялаштирмайди.

Ислом Конференцияси Ташкотида аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирларининг 1996 йил 2 октябрда Нуй Йоркда бўлиб ўтган йиллик мувофиқлаштирувчи йигилишида Ўзбекистон Республикаси ИКТнинг тенгҳуқуқли аъзоси бўлган. Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш мақсадида ҳукуматимиз 2003 йил 27 августда “Ислом Тараққиёт банкига аъзолик тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг ИТБ билан ҳамкорлиги мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга йўналтирилган турли дастурлар ҳамда қарорлар доирасида, ҳукумат белгилаган устувор-

ликлар билан ўзаро узвий алоқада амалга оширилиши лозим. Банк молиявий кўмаги билан бунга ўз ҳиссасини қўшиш учун улкан салоҳиятларга ва имкониятларга эгадир<sup>5</sup>.

Аҳаджон ҚўШАҚОВ,  
тадқиқотчи

– иқтисодий ривожланиш учун зарур кадрларни ўқитиш имкониятини кенгайтиради;

– иқтисодиётнинг барча соҳаларида илмий изланишларни йўлга қўяди.

Молиялаштирилиши маъқул деб топилмайдиган бир неча амалиётлар ҳам бор:<sup>4</sup>

**1. Кафолатланган фойда.** Молиячи ўзи сармоя қўйган корхона олган нақд фойдадан фойда олиши лозим, аммо олдиндан белгиланган ёки ҳисобланган фойда олиниши ман этилади.

**2. Ғарар** (мавҳумлик). Тўлиқ хабардорлик бўлиши шарт. Мақсади ва баҳоси олдиндан аниқланмаган ва белгиланмаган ҳар қандай амалиёт шубҳали ҳисобланади ва амалга оширилмайди.

**3. Майсир** (чайқов, қимор). Банкдан олинган маблағлардан таклиф ва шартномалар ёрдамида қалбаки амалиётларни амалга оши-



# ХУРСАНДЧИЛИК КУНИ ҒАНИМАТ

Үн бир ойнинг султони рамазон ойи ҳам ўтди. «У ойда бир кеча бор, минг ойдан афзалдир». Минг ой саксон уч йилу уч ой бўлади. Бу кечани ибодат – илтижо, тасбеҳ, дуо, намоз билан ўтказиб, минг ойда эришишимиз мумкин бўлган савобни қўлга киритдик.

Бутун мусулмон оламига, жумладан, юртимизга ҳам рамазоннинг файзи, футуҳи, баракаси ёйилди. Масжидларимиз тўлиб тошди. Хатми қуръонлар қалбларимиз губорларини ювди. Кўнгилларимиз равшан тортди, ихлосимиз ошди. Амри маъруф, наҳйи мункарлар кўзимизни очди, нафсни енгишни ўргандик. Зеҳнимиз ўтқирлашди, тева-рагимизга ақл ва ибрат кўзи билан қарай бошладик, жаҳл ва ғазабимизни ичга ютишга, гийбат ва ножоиз ишлардан тийилишга ўргандик. Тил ва кўзимизни харомдан асрай оладиган бўлдик.

Рамазон рўзасининг мукофоти жаннат. Рўзадорлар Аллоҳ таолонинг марҳамати билан жаннатнинг Район номли эшигидан жаннатга кирадилар.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қиладилар: «Агар киши рамазон ойида Аллоҳ таоло розилиги учун бир нафл ибодат ёки хайрли амални бажарса, гўё рамазондан бошқа ойда бир фарзни бажаргандек бўлади. Ва ким, рамазонда бир фарзни адо этса, гўё рамазондан бошқа ойда етмишта фарзни адо қилганча савобга эришади».

Қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Рўза мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман».

Рамазон рўзасидан олган тарбиямизнинг яна бири, инсон ўзи учун эмас, ўзга учун ҳам фидойилик қилишни ўрганиши керак экан. Дунёни тинч, осойишта тутиб турган, халқларни, инсонларни бир-бирига меҳрли-муҳаббатли қилган нарса фидойилик, биродарлик, ўзини бағишлаш, мардлик эмасми?!

Рамазон ер ва осмонлар зийнатланадиган, юракларни юмшатиб гўзаллаштирадиган бир ой. Жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари беркитилган ой.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: «Агар

инсонлар рамазон ойидаги мукофотлар, савоблар, неъматлар ва раҳматлар кўплигини билсалар эди, рамазоннинг йил бўйи давом этишини хоҳлаган бўлар эдилар». Рамазон охирлаганида ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бир оз ғамгин бўлиб қолиши шундан.

Бу йилги рамазондан ҳам ҳисобсиз марҳамат ва ажрларга эга бўлиб, жисмимиз соғлом, руҳимиз мусаффо, хулқимиз гўзал бўлган ҳолда чиқяпмиз, иншааллоҳ. Бу ютуқ қувонч ва севинчга боисдир, албатта.

Саодатга олиб борувчи йўл ва унга эришилган кун қутлуғдир. Рамазон ҳайити куни ана шундай қутлуғ кун. Бир қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

«Ҳайит куни саҳарда Ҳақ таоло фаришталарни ер юзига тушишга буюради. «Эй фаришталар, гувоҳ бўлинглар, рамазон ойида рўзасини тутган ва намозини ўқиган қулларимга совға ва мукофот қилиб розилигимни бердим ва уларнинг гуноҳларини мағфират этдим». Сўнгра бандаларига хитоб қилади: «Эй қулларим, бугун охиратингиз учун нима хоҳлайсиз, иззат ва жалолим ҳаққи, ҳаммасини бераман... Сизнинг хато ва қусурларингизни кечираман. Иззат ва жалолимга қасам, мен сизни разил ва расво қилмайман, маҳзун ҳам қолдирмайман», дейди.

Илоҳим, шундай бўлсин!

Азиз юртдошлар, рамазон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин. Хурсандчилик куни ҳам ғанимат. Уни байрамга яраша кўтаринки бир руҳда ўтказайлик. Ота-оналаримизни, опа-сингилларимизни, ака-укаларимизни, дўсту биродарларимизни ошиқиб зиёрат қилайлик. Беморларни йўқлаб, кўнгилларини кўтарайлик, дардларини аритайлик. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «(Тақводор зотлар) **яхшиёмон кунларида инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хатокамчиликларини) афв этадиган кишилардир**» (Оли Имрон, 134).

Муҳаммад ВАФО

